

Хулқар Ҳамроева, Гавҳар Мағёқубова,  
Шухрат Тохтасимов.

# “ЛАЗГИ” ТУРКУМИ:

Тарихи ва тадқиқ;  
Асосий ҳаракатлари,  
либослари ва  
тақинчоқларининг  
қисқача изоҳли лугати



Хулқар Ҳамроева,  
Гавҳар Мағкубова,  
Шухрат Тоҳтасимов.

## “ЛАЗГИ” ТУРКУМИ:

*Тарихи ва тадқиқи; Асосий ҳаракатлари, либослари ва тақинчоқларининг қисқача ўзбекча-инглизча изоҳли луғати*

ТОШКЕНТ – 2022

Хулкар Ҳамроева, Гавҳар Матёкубова, Шухрат Тохтасимов  
“ЛАЗГИ” ТУРКУМИ: Тарихи ва тавсифи; Асосий  
харакаатлари, либослари ва тақинчоқларининг қисқача ўзбекча-  
инглизча изоҳли лугати 124-б.

*Масъул муҳаррир:*

**Раъно Сайфуллаева,**

филология фанлари доктори, ЎзМУ профессори

*Тақризчилар:*

**Ўғиллой Мухамедова,**

Ўзбекистон давлат хореография академияси профессори

**Ёқубжон Сайидов,**

филология фанлари доктори, БухДУ профессори

*Муҳаррир:*

**Тўмарис Аъзам Бутунбоева,**

фил.ф.бўйича фалсафа доктори, ЎзДХА ўқитувчиси

**Таржимон:**

**Гулшан Наеруллаева,**

филология фанлари бўйича фалсафа доктори

© Хулкар Ҳамроева, Гавҳар Матёкубова,  
Шухрат Тохтасимов. 2022

## СЎЗБОШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бизнинг ҳавас қилса арзидиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзидиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзидиган бекиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзидиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”<sup>1</sup>, деган пурмаъно сўзлари янгиланаётган жаҳоннинг, янги даврнинг бош ғоясига айланди. Бу ғоя замирида ёшларга ибрат бўларли юксак инсонпарварлик, ватанга муҳаббат, тарихимизга эҳтиром туйғулари мужассам.

Муъжизалар ўлкаси — Хоразм бизнинг шундай буюк тарихимиз, бекиёс бойлигимиздир. Унинг кўҳна ва навқирон маданияти, санъати илдизларини ўрганиш бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Зеро, “Авесто” яратилган табаррук масканнинг ўтмиши, сеҳрли-сирли маданияти азал-азалдан дунё ҳамжамиятини кизиқтириб келган. Бу бебаҳо ёдгорликда “эгу фикр, эгу сўз, эгу амал” таълимоти илгари сурилган. Унда “жаноза маросимига йиғилган хотин-халаж жазава билан зикр тушишарди”<sup>2</sup>, дейилади. Вақт ўтиб, ушбу маросимлардаги харакаатлар илк рақсларнинг яратилишига замин яратди. “Тарих отаси” деб ном олган юнон мутафаккири Геродот (мил.ав. 490-ва 480 й. ораси – мил.ав. тахминан 425.) “Тарих” китобида “Амударё бўйида яшовчи массагетлар кечалари гулхан ёқиб, олов ўчғунича кўшиқ айтиб, оловни улуғлаб рақсга тушганлар”<sup>3</sup> дейди. Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида ҳам Хоразм санъати ва маданияти тўғрисида муҳим маълумотлар берилган. Кўплаб қадимшунос олимларнинг илмий изланишлари айнан Хоразм мусиқа маданияти, қадимий созлари ва мусиқий асбоблари тарихига бағишланган. Улар бу афсонавий ўлканинг ибтидоий, қадимий ва ўрта аср дин тарихи, ижтимоий тузуми ҳамда маданиятини мукаммал ўрганганлар. Тупроққалъа деворидаги мил. 1-3 асрларга мансуб чилтор

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ижодкор зиёлилар билан учрашуви. ЎЗА, 2017й., 3 август.

<sup>2</sup> Матёкубова Г. Лазги. Урганч, 2017., -Б.13.

<sup>3</sup> Ўша манба, Б.-18.

чалаётган аёл сурати ҳам айнан илмий экспедицияларнинг ноёб топилмаси ҳисобланади. Илк тарихий илдиэлари “Авесто” билан боғланган “Лазги” рақсида ҳам эзгулик ва гўзаллик тараннум этилади. Қадим Хоразмнинг Қўйқирилганқалъа, Тупроққалъа, Жонбосқалъа, Қирқизқалъа каби истеҳкомларидан топилган чолғу созлари ва раққосалар тасвири туширилган ганч хайкалчалар, терракотлар ўлкада мусиқа санъати жуда қадимий эканлигини билдиради.

Мир Алишер Навоий ҳазратлари “Сабаи сайёр” достонларида етгинчи иқлимдан келган мусофирнинг тилидан:

Менки, тулмиш буён гузор манга,

Мулки Хоразм эрур диёр манга.

Санъатим анда соз чолмоқ иши,

Билмайин мен киби ишимни киши.

Илми адвори фанни мусиқий,

Мендин ул илм аҳли таҳқиқий<sup>4</sup> -

деб, 15-асрда Хоразмда санъат ниҳоятда гуллаб – яшнаганини айтиб ўтадилар. “Адвор” сўзи арабчадан ўзлашган бўлиб,<sup>5</sup> мусиқа илмининг бир соҳаси, мусиқа назарияси шарқ мусиқасининг эски нота усули<sup>5</sup> маъносини билдиради. Демак, қадим Хоразмда нафақат мусиқа ва рақс санъати, балки ногага ёзиш илми ҳам равнақ топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лазги” халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги Қарориди “Мамлакатимизнинг бой рақс санъати тарихида алоҳида ўрин эгаллаган “Хоразм лазги рақси” ўзига хос ижро услуби ва жозибаси билан нафақат Ўзбекистонда, балки чет давлатларда ҳам машҳурдир. ЮНЕСКО томонидан “Хоразм лазги рақси” инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатиغا киритилганлиги ҳам унинг бетакрор санъат эканлигидан далolat беради. “Хоразм лазги рақси” санъатининг асрий аъёналарини сақлаш ва ривожлантириш, рақс санъати орқали халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш,

халқаро миқёсда ижодий ҳамкорлик кўламини ва маданий алоқаларни янада кенгайтириш”<sup>6</sup> алоҳида таъкидланган.

Қарорга биноан 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир мартаба 2.5-30 апрель кунлари Хива шаҳрида “Лазги” халқаро рақс фестивали ҳамда унинг доирасида халқаро илмий-амалий конференцияни ўтказиш белгиланган.

2019 йилнинг 12 декабрь кuni Колумбиянинг Богота шаҳрида ЮНЕСКОнинг Номоддий меросни муҳофаза қилиш ва нареш бўйича ҳукуматлараро кўмитасининг 14-сессиясида қадим Хоразмнинг ташриф қоғози - ўзбек миллий рақси “Лазги” инсоният номоддий меросининг респрезентатив рўйхатиغا Ўзбекистон маданий меросининг элементи сифатида овоз бермасдан, кенг консенсус асосида киритилди. Хушхабар нафақат Ўзбекистонликларни, балки жаҳондаги ўзбек санъатининг барча ихлосмандларини хурсанд қилди. Бу – қадим илдиэлари “Авесто”га, Тупроққалъа деворларидан топилган мил.1-3 – асрларга мансуб чилтор чалаётган аёл расмига бориб тақалладиган муаззам “Лазги”нинг ҳам ижрочи, ҳам ўргатувчиси, ҳам тадқиқотчи, ҳам тарғиботчиси – ўзбек санъати ва маданиятининг катта билимдони, Ўзбекистон халқ артисти Гавҳархоним Матёқубованинг узоқ йиллик машаққатли меҳнати ва изланишларига, ижодий тафаккурига берилган юксак баҳо бўлди.

Санъат оламида нафақат мактаб яратиш, балки бирон-бир интиликни жорий қилиш, рисола ёки кўлланма ёзиш чинакам истеъод ва матонатни, фидойиликни, сабр-матонатни талаб қилади. Хоразм “Лазги”сининг ЮНЕСКО рўйхатиغا киритилиши осонликча рўй бермади, унинг замирида устоз санъаткорнинг узоқ йиллик изланишлари ва фидокорона меҳнатлари мужассам.Зеро, ҳамма замонларда ҳам кишилик жамияти илғор фикр ва гоа берувчилар, жонбозлик кўрсатиб уни амалга оширувчилар туфайли тараққиётга эришади. Гавҳархоним Матёқубова ўз даврида буюк хофиз, Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов томонидан “Лазги”нинг тўққизинчи -

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лазги” халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги Қарори.2020 йил, 28 сентябрь.

<sup>4</sup> Навоий А. Сабаи сайёр . Т.: 2005. –Б.258.

<sup>5</sup> Навоий асарлари луғати , Т., 1972. –Б.30.

“яллал” тури яратилиши жараёнига гувоҳ бўлган ва уни биринчилар қаторида хориж саҳналарида юксак маҳорат билан ижро этган атоқли рақс устасидир. Унинг “Офатижон Лазги” ва “Лазги” рисолаларида замонлар ўртасидаги маърифий - маданий алоқалар ва кадриятларнинг авлодлардан авлодларга ўтиши, бирда йўқолиб, бирда бойиш бориш силсиласи, ривожланиш ва халқаро миқёста чиқиш жараёнлари изчил таҳлил қилинади. Маънавият, санъат ва маданият фидойисининг илмий изланишлари, узоқ йиллик меҳнатлари муносиб тақдирланди. Истиклолнинг 28 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг фармонига биноан атоқли санъаткор, тажрибали балетмейстер, санъатшунос-этнограф, ўзбек миллий рақс санъатининг ҳам тадқиқотчиси, ҳам тарғиботчиси Гавҳархоним Матёкубова “Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотланди.

Россиялик таниқли қадимшунос, профессор Л.Р.Садоков ўз тадқиқотларида Тувроққалъадан топилган манбалар асосида зарбли чолгулар, маросим қўшиқлари ижро этилган мусиқий давралар, ликобчалар билан ўйнаган раққосалар ҳақида ёзади.<sup>7</sup> Энг муҳими, “Гармон Лазгиси”нинг асоси ҳисобланган халфачилик узоқ тарихга эга бўлиб, унинг негизида кенг маънода рақс санъати билан бирга бахшичилик услублари ҳам мужасамлашган. Улар турли мавзуларда лапарлар куйлаб, ликобча, ангишвона, шёлалар жўрлигида рақслар ижро этиб кўҳна миллий кадриятларимизни сақлаш баробарида маънавий ҳаётимизнинг янада юксалишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Маълумки, Хоразм “Лазги”сининг тўққиз тури мавжуд бўлиб, улар куйидагилардан иборат: “Масхарабоз Лазгиси”, “Қайроқ Лазгиси”, “Дутор Лазгиси”, “Сурнай Лазгиси”, “Сарой Лазгиси”, “Чангак Лазгиси”, “Хива Лазгиси”, “Гармон Лазгиси”, “Хоразм Лазгиси”. Бугунги кунда у “Хоразм рақс” жамоасининг етакчи раққосалари, бир неча халқаро танловлар ғолиблари Дилноза Ортиқова, Дилноза Мавлоновалар томонидан чет

<sup>7</sup> Садоков Л.Р. “Музыкальная археология древней и средневековой Средней Азии: ударные инструменты.» М.1996.с.35.

эларда ўтадиган умумжаҳон фестивалларида ҳам ижро этилиб, юксак баҳоланиб келмоқда.

Ўзбек миллий рақс санъатининг гултожи - “Лазги” нафақат дунё халқларининг меҳрини қозонган гўзал рақс, балки сирли мусиқа, сеҳрли сўзга вобаста муаззам асар сифатида кўз ўнгимизда намоён бўлади. “Лазги”нинг ҳаётбахш, жозибали кучи, инсон кайфияти ва руҳиятини кўтаргувчи сеҳри ҳақиқий мўъжиза эканлигига ишонамиз. У дунё саҳналарини, турли тилда сўзлагувчи одамларни бир - бирига яқинлаштиргувчи рақс илдиридан ўсиб, улканлашиб, улугвор Ўзбекистонимизнинг бир бўлагига айланди. Демак, бизнинг зиммамизда аждодлардан бизгача етиб келган бу бебаҳо меросни келажак авлодларга зиён-заҳматсиз етказиш масъулияти бор.

**Хулқар Ҳамросева,  
Филология фанлари доктори**

“Лазги” – дунёдаги энг қадимий, вақт ўтгани сайин сайқалланиб, ёшариб, бойиб бораётган навқирон ва муаззам рақслардан бири. У ибтидоий жамоа тузуми даврида, балки ундан ҳам олдинроқ туғилиб, инсониятнинг онги шаклланиши билан такомиллашиб, бизгача етиб келган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Р. Қурбоновнинг фикрича, “Рақс жуда қадимий санъат бўлиб, ҳали одамзоднинг тили шаклланмасдан олдин дунёга келган санъатдир. ... Рақс санъатини томоша қилиб, унинг маъносини тушунадиган инсоннинг савияси эса куй тинглай оладиган инсонникидан ўн баробар устундир”.<sup>8</sup> Бугунги кунда шухрати бутун жаҳонга ёйилаётган “Лазги” оддий рақс эмас, балки ўзида миллатнинг ўтмиши, орзу - ўйлари, ниятлари, армонларини мужассам қилган бетакрор қалб фалсафасидир. Хоразм рақс санъатининг гултожи, ўзбек миллий рақсларининг ибтидоси бўлган “Лазги” азалий ҳаракатлар услуби ва назокатини, шиддати ва жўшқинлигини, завқи ва жозибасини ўзида сақлаб келмоқда. Луғатларда унга шундай таъриф берилган: “Лазги–Хоразмнинг шўх, жозибадор куйларидан бири ва шу куй – оҳанг бўйича ижро этиладиган рақс номи”.<sup>9</sup> “Лазги – Хоразм воҳасида кенг тарқалган халқ рақси, Лазги вазмин, бир текис ҳаракатдан тобора тезлашиб ва жонланиб боради. Лазги хотин – қизлар ва эркаклар орасида баробар тарқалади”.<sup>10</sup>

Қадимги Хоразм тилига оид “*Lazgi*” сўзи умумэроний *raiz* - “*совқотмоқ, қалтирамоқ*, ( шунингдек, “*титрамоқ*”, “*толмоқ*” ) каби маъноларга эга асосга бориб тақалади. *Raiz* жумладан, “*таниш мусиқий аккорд (хоразмча “рез” ) ва наъманинг қисми*” маъноларни ҳам англатади. Ўз навбатида *raiz* ҳинд-европа тилларидан “*титрамоқ, қалтирамоқ, ликилламоқ*” маъносидаги *leig* ўзагига бориб тақалади. Қадимий Хоразм тилига оид “*бирор ниманинг тугаб (масалан: фасл), яна нимадир бошланиши*”, “*ниманидир бирор нимадан мағлубиятга учраши*”

<sup>8</sup> Қурбонов Р. Санъатнинг сирли олами. Санъатнома 1. Т.: 2011. –Б.32.

<sup>9</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-ж.Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашрети, 2006. –Б.484.

<sup>10</sup> Акбаров И. Мусиқа луғати. Т.:“Ўқитувчи”, 1997. –Б.153.

каби маъноларда, Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддимат ул - адаб” асарида хоразм сўзлари қисмида учрайди. ( Samadi, 1986, 176). *Lazgi* - хоразмча *raiz* ўзагига К (g) аффиксининг кўпилиши билан ҳосил бўлган. Маълумки, кўпчилик эроний тилларда  $g < 1$  ҳодисаси қонуният ҳисобланади: *raiz laiz k/g lazk/g lazgi*. Ҳозирги бир қатор замонавий эроний тиллардаги *larz(a)* - “ларза, қалтирамоқ” сўзлари ҳам айнан умум эроний асосидан ҳосил бўлган (ЭСВЯ, 1999, 224). Қиёсланг: форс. *a-léz* - “сақрамоқ”, курд тилида *liz* - *ўйнамоқ, рақсга тушмоқ* ; санскрит тилида *lasya* “рақс”, *lasaka* - “раққос”. Форс тилида *lazgi* - рақснинг номини билдиради. Яна қаранг Хоразм шеvasида лезгъ “*ўйиннинг тури; куй*”. Шундай қилиб:

1. Қадимий Хоразм тилида “Лазги” - совқотмоқ, қалтирамоқ маъносини билдиради. 2. Ҳинд - Европа тилида “Лезгъ” ўзагига бориб, қалтирамоқ, титрамоқ, ликилламоқ маъносини беради. 3. Кўпчилик эроний тилларда “Ларз” сўзи - ларза, қалтирамоқ маъносиде келади. 4. Форс тилида “Лазз” - сақрамоқ, ларзадон маъносиде келади. 5. Курд тилида “Лекиз” - ўйнамоқ, рақсга тушмоқ, жунбушга келмоқ маъносини англатади. 6. Санскрит тилида “Л-сака” - рақс, раққос маъносиде кўлланилади. 7. Хоразм шеvasида “Лезгъ” ўйин тури.<sup>11</sup> Қадимдан бирга кўни - кўшни бўлиб, гоҳо бирлашиб, гоҳо ажралиб асрлар оша яшаб келаётган халқларнинг илмий, тарихий ўрганилган битикларига асосан ўзимизнинг тадиқотчи хореограф, тарихчилар, мусиқашунослар, раққос ва раққосалар билан биргаликда олиб борган илмий - амалий изланишларимизга таяниб “Лазги” сўзи - “титрама” маъносини билдиришига амин бўлдик. Ваҳоланки, “Лазги” рақси дастлаб ибтидоий тасавурлар, табиат ҳодиселари, мамлакатнинг географик жойлашуви, иқлими, об - ҳаво шароити туфайли пайдо бўлган. Афсоналарга кўра, “Лазги” инсон яралишига тақлид сифатида пайдо бўлган деб айтилади.

Масалан, афсоналарда олдин бармоқлар титрайди, панжалар, билаклар, елкалар титрайди аъзойи баданга жон кириб инсон яралади. Демак, Хоразмда “Лазги” сўзи - титрама маъносини беради, деган хулосага келдик.

<sup>11</sup> Матёкубова Г. Лазги. Т.: 2017. –Б.34.

70 - 80 ёшли бобо - момолар “Лазги” куйи бошланса кўллари, бошларини, елкаларини, баданларини титратиб рақсга тушади. Ким бўлишидан қатъий назар ёшми, қарими, қиз болами, йигитми Хоразмда туғилиб ўсган инсонлар “Лазги” рақсини ўйнаганида ўз имкониятидан келиб чиқиб, қадим Хоразмнинг табиий шароитида пайдо бўлган “тиграма” ҳаракатига амал қилади. “Лазги” рақсининг фақат ўзигагина хос ва бошқа рақслардан кескин фарқ қилувчи яна бир ҳаракати борки, бу “қарс” яъни иккала кўлнинг панжаларини бир - бирига уриб дастбанд, яъни қарсиллатиб мусиқага мос товуш ҳосил қилиш. Бу ҳаракат “Лазги” рақсининг ўзагини белгилайди. “Қарс” — қадимий Хоразмийларнинг Зардуштийлик динидаги “покланиш” урф - одатларидаги ибодатларини бажариш эътиқодидан пайдо бўлиб, бизгача етиб келган рақс ҳаракатидир. Покланиш маросимининг асосий мазмуни ёмонлик ва яхшилик, ўртасида курашни ифодалаган. Бунда шовқин - сурон, таёкларни бир - бирига уриб, гоҳ қарсак чалиб, гоҳ кўллари билан қарс уриб шовқин - сурон билан гўё бало - қазони ҳайдаганлар. Инс — жинлар товушлардан, қичқирқ, бақирқилардан, қарсиллаб турган шовқинлардан қочади, деб ишонганлар.

Натижанда, яхшилик ғалаба қилиб, маросим якунланган. Қадимда пайдо бўлиб, бизгача етиб келган “*тиграма*”, “*қарс*” уриш ҳаракати “Лазги”нинг бошқа рақслардан фарқини ва юксак жозиба кучини билдиради. Бу ҳаракатлар дунё “Гавдани тик тутиб “тиграма”, “қарс”, уриш ҳаракатлари фақат Хоразм лазгисига хос. “Лазги” рақсининг ижодкори Хоразм халқидир.

Демак, хулоса чиқариш мумкинки, “Лазги” танани ҳаракатга келиши, “қимирлаш” маъносини англатувчи сўз билан номланган. Бу эса унинг ниҳоятда қадимийлигини кўрсатади. Юракларни тўлқинлантирувчи “Лазги”нинг (тананинг жунбушга келиши, тана ҳаракати) маъносини бериши унинг турдош рақслардан энг қадимгиси эканини кўрсатадиган лисоний факт эканлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лазги” халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги Қарорида фестиваль доирасида “Ўзбек миллий рақсининг жаҳон рақс санъатидаги ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-

амалий конференция, Хива шаҳридаги “Ичан-қалъа” мажмуаси худудида рақс санъатига оид кўргазмалар, миллий созлар ва либослар, хунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, ҳайкалтарошлик намуналари, бадий ва ҳужжатли фильмлар, аудио ва видео дисклар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиши” ўтказилиши белгиланган.

Демак хулоса чиқариш мумкинки, “Лазги” танани ҳаракатга келиши, “қимирлаш” маъносини англатувчи сўз билан номланган. Бу эса унинг ниҳоятда қадимийлигини кўрсатади. Юракларни тўлқинлантирувчи “Лазги”нинг (тананинг жунбушга келиши, тана ҳаракати) маъносини бериши унинг турдош рақслардан энг қадимгиси эканини кўрсатадиган лисоний факт эканлигини тасдиқлайди. Буюк ҳазрат Навоийнинг бешлик “Хамса”си каби, Хоразм “Лазги”си ҳам тўққиз бобдан иборат мухташам асардир. Унинг ҳар боби алоҳида ўрганилиши ва изчил тадқиқ этилиши зарур.

### 1. “МАСХАРАБОЗ ЛАЗГИСИ”

### 2. “ҚАЙРОҚ ЛАЗГИСИ”

### 3. “ДУТОР ЛАЗГИСИ”

### 4. “СУРНАЙ ЛАЗГИСИ”

### 5. “САРОЙ ЛАЗГИСИ”

### 6. “ЧАНГАК ЛАЗГИСИ”

### 7. “ХИВА ЛАЗГИСИ”

### 8. “ГАРМОН ЛАЗГИСИ”

### 9. “ХОРАЗМ ЛАЗГИСИ”



**Тарихи.** “Масхарабоз “Лазги”си” ибтидоий даврда пайдо бўлган энг қадимги рақслардан биридир. У ибтидоий даврда тирикчилик яъни овчилик эҳтиёжидан келиб чиққан. Ҳар хил ҳайвонларга тақлид қилиб, ўша ҳайвонларнинг ҳаракатлари имо-ишоралар қолган. асрлар давомида шаклланиб, сайқалланиб борган. У хоразмликларнинг тўйлар ва базмларда севиб ўйнайдиган ва томоша қиладиган ўйинларидан бири ҳисобланади. Қадимда масхарабозлар томонидан “Дев ўйини”, “Маймун ўйини”, “От ўйини” ўйналиб келингани ва улар асосан ўша ҳайвонларнинг ниқобини кийиб ижро этгани аниқланган. Уларнинг “Қум пишик ўйини”, “Чорлоқ ўйини”, “Юмронқозик ўйини”, “Эчки ўйини”, “Қирғовул ўйини” каби вариантлари хозир ҳам ижро этилади. Уларни масхарабозлар мусиқа ва ашула жўрлигида ўйнаб, тақлид қилинаётган ҳайвонларнинг хусусиятларини кагга маҳорат билан тасвирлаб беради. Замонлар ўтиши, давр янгиланиши билан янги томоша услублари, янги қаҳрамонлар ва уларга мос рақс ҳаракатлари пайдо бўлди. Ўзбекистон халқ артисти Бикажон Раҳимова, машҳур раққослар Султон Отаниёзов ва Ражабой ота Давлатовлар ижро этган



**Мазмуни.** “Масхарабоз “Лазги”си асосан бирор қуш, ҳайвонга ёки одамга, уларнинг ташқи кўринишлари ва хусусиятларига тақлид тарзида ижро этилган. Бу рақс турининг машҳур ижрочиларидан бири “шилқим” образини маҳорат билан яратган Шарип Дўсбобоев эди. У чиройли аёлларни кўрса оғзининг танооби қочиб, кўзи ўйнайдиган енгилтақ, гўёки овчи ролида саҳнага чиқар, қўлларини пешонасига қўйиб, ҳаммани бир – бир кўздан кечирар, кўзга яқинроқ чиройлироқ қизни ахтарар, гоҳ уни сизга, гоҳ бунисизга шилқимлик қилиб, гап отар, қўлларини ўпиб, ҳар хил қилиқлар билан томошабинлар орасидан топган “ёр”ини мақтар, “ёр”и унга қарамаса, уни ҳам масхаралаб, яна бошқа ёр излаб, ҳаракатлари билан ҳаммани кулдириб, рақсга тушади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўрозул Ғойибова кеккайган эркак, Комилжон Кутлимурадов эса мечкай, семиз одам образини қиймига етказиб ижро этган ҳамда томошабинларнинг оқшишларига сазовор бўлган. Мазкур

рақснинг ғояси ва асл мазмуни тақлидчиликдан иборат. Қуйида “Масхарабоз “Лазги”нинг бир неча вариантларининг изоҳи берилади.

“Масхарабоз “Лазгиси” – масхара – {а. – эрмаклаш, мазах, ҳазил объекти; ниқоб} Камситувчи, кулги қилувчи гап-сўз, хатти-ҳаракат; мазах, эрмак, кулги; 2 Қизиқ гап-сўз ва ҳаракатлар билан одамларни кулдирувчи; Масхарабоз – томошахоналарда, сайилларда ва улуман халқ кўп тўплаган жойларда томошабинларни кулдирадиган ўйинлар кўрсатувчи қизиқчи, артист,<sup>12</sup>



1. Ўзбекистон халқ артисти Бикажон Раҳимованинг “Масхарабоз лазги”си энг мураккаб вариантлардан биридир. У юзидан захар томиб турадиган қаҳри қаттиқ одам образида чиқарди.

<sup>12</sup> ЎТИЛ, 2-ж. –Б. 554.

Қаҳр – [а.бўйсундириш, мажбурлаш, зўрлаш; хафалик, аллам, қайду] Қаттиқ аччиқланиш, жасал туйеуси; газаб. Қаҳри қаттиқ – меҳр-шафқати йўқ.<sup>13</sup>

2. Юзини кулгили бужмайгириб, қовоқларини уюб, кулгили кадам ташлаб, “Лазги” ҳаракатлари билан даврани айланади.

3. Сўнг гавдасининг белидан пастки қисмини гоҳ ўнгга, гоҳ чапга буриб, майда кадам ташлаб, бир хил ҳаракат услубидан ёнбошга йўргалаб кетади.

4. Қарс уриб, кўлини тепага кўтариб, томошабинни ҳайрон қолдириб, бирдан тиниб қолади.

5. Чехраси қаҳрли тус олади ва у рақс ҳаракатларида ўта маҳорағ билан шафқатсиз, бераҳм одамнинг характер хусусиятларини очади.

2. Машхур раққос Султон Отаниёзов “Масхарабоз “Лазги”нинг қадимий пиёла рақсини ўзи бойитган усуллар билан ижро этарди.

Пиёла - {ф. – сув ичладган ясси косача} – Тубидан юқорига қараб кенгайиб борадиган, қосадан кичик, тагликли идиш.<sup>14</sup>

1. Рақс дебочасида у пиёлани ўнг кўлига олиб даврани айланиб чиқади.

2. Пиёла ушлаган кўл бирданига қотиб қолади.

3. Сўнг юқори кўтарилиб, тебрана бошлайди.

4. Раққоснинг билақлари, елкалари жон кираётгандек тиграй бошлайди.

5. Пиёла кўтарган кўл мустикага мос ҳаракат билан пастга сирғалиб туша бошлайди ва пиёла чап кўлга ўтади.

6. Ўнг кўли (тепадами, пастдами) қарсиллаб, чап кўлидаги пиёлага ишора қилади.

7. Раққос усталлик билан пиёлани ховучидан кафт орқасига ўтказади.

8. Бўш кўлини пиёла устида айлангириб, рақс тушади.

9. Раққос турли ҳаракатлар билан пиёлани гоҳ ўнг, гоҳ чап кўлига олади.

<sup>13</sup> ЎТИЛ, 5-ж. –Б. 272.

<sup>14</sup> ЎТИЛ, 3-ж.-Б.256..

10. Гавдасининг титрама харакатада раққос уни бошига кўяди. Пиёла гўё бошга ёпишиб қолади.

11. Ритм шиддат билан алмашади, унга монанд раққоснинг оёқ харакатлари ҳам тезлашади.

12. У бош устидаги пиёлани гўё унутгандай бармоқларини олдинма-кейин қарсиллатиб, даврада айланма харакат қила бошлайди.

13. Мусиқа авжига чиққани сайин, раққоснинг харакатлари ҳам шиддатли тус олади, бошидаги пиёла томошабинларни хаяжонланттириб, тушиб кетадигандай туюлади.

14. Энг хаяжонли дақиқаларда раққос бир кўлида айланма харакат қилиб, иккинчи кўли билан бошидаги пиёлани олади ва рақсни яқунлайди.

**3. Мохир раққос Ражаббой ота Давлагов** “Масхарабоз “Лазги”ни “тик-пак, пақа-пак” усулида ижро этарди. Созлар бўлмаган замонда кўл харакати билан эшитиш ва кўриш қобилияти уйғунлашиб, оҳанг пайдо бўлади. Кўли билан усул бериб туради. Натижада, мазмунли куй пайдо бўлади. “Авесто” маросимларида ўйналиб, баъзи бир элементлари хозиргача сақланиб келаётган ўйин турларидан бири.

*Пақ – (тақ)Портлаш, отилиш каби ҳолларда эшитиладиган кескин товуш.*<sup>15</sup>

1. Раққос майда қадамлар билан, кўлларини кулгили осилтириб, юзидаги ифодани тез-тез ўзгартириб, даврага чиқади.

2. Сўнг қутилмаганда бирдан қотиб қолади.

3. “Масхарабоз Лазгиси”нинг тарихий бошланиш қисми ўйналганидан кейин бир кўлини билагига чирмаштиради.

4. Раққос мусиқа такти билан эмас, балки такт кетидан кўли ва билагини бир-бирига уриб, харакат қилади.

5. Елкаларини олдинма-кейин харакагланттириб, турган жойида айланади.

6. Оҳангта мос равишда кўлларини оғзига уриб, товуш чиқара бошлайди.

7. Мусиқа ритмига уйғунлашган “пақа-пак, пақа-пак” деган товуш тўхтовсиз такрорланаверади.

<sup>15</sup> ЎТИЛ 3-ж. –Б.244.

8. Раққос шиддат билан гўё ўлжасига ташланаётган қушнинг образига киради.

9. Ритм тезлашгани сайин, раққос гоҳ бировни куваётгандай, дам ўнг, дам чап кўлини ўйнатиб, панжаларини мушт қилиб, кулгили образга киради.

### “МАСХАРАБОЗ ЛАЗГИСИ”НИНГ ЛИБОСЛАРИ ВА ТАҚИНЧОҚЛАРИ:

Маълумки, “Масхарабоз Лазгиси” аслида хайвонларга тақлид ва пантомима харакатлари асосида шаклланган. Илк даврларда асосан никобда ижро этилган. Раққослар одатда учлик қалпоқ кийиб, унга кўнгирокчалар осилган, баъзиларининг бош кийими учида тақлид қилинаётган хайвоннинг думи осилган.

Вақт ўтгани сайин либосларнинг шакли ҳам ўзгариб борган. Хозирги даврда **ЭРКАКЛАР** ёқасига жияк тикилган оқ кўйлак, шойи белбоғ, қора шолвар, оёғида этик, устида енгил қора ястак, бошида чўтирма билан рақсга тушишади. Ибтидоий даврларда асосан оқ кўйлак, қора шалвор кийишган.

**АЁЛЛАР:** Раққосалар ўзлари тақлид қиладиган, яратадиган образларига мос кийинишган. Баъзан хайвонлар ролига кириб, шох ёки никоб тақишган.



**Тарихи.** Маълумки, инсон товушлар ва оҳанглар оламида туғилади ва уларнинг таъсирида улғаяди. Масалан: чақмоқ чаққанда гүмбурлаган, ёмғир ёққанда шитирлаган товуш эшитилади ёки шамолда дарахт барглрининг тебраниши, шитирлаши, ёмғир томчиларининг ерга урилиши, қушларнинг сайраши. Инсон меҳнат жараёнида ҳам ўзига боғлиқ бўлмаган холда ранг – баранг товушлар яратади. Қадимда ёғочни - ёғочга уриб йиртқич хайвонларни хайдашган. Хайвонларга тақлидий оҳанглар билан болаларни кўрқитишган. Тошни – тошга, ёғочни – ёғочга, темирни – темирга уриш орқали ҳосил бўладиган

шовқинлар инсон руҳиятига ўзига хос таъсир ўтказган. Азал – азалдан инсон онги шуури ва маънавиятининг шаклланишида табиат ҳодисалари, атрофдаги оҳанг ва меҳнат жараёнидаги “тақа - туқ” товушлари ўзига хос аҳамият касб этади. Инсон эшитиш қобилияти туфайли атрофдаги турфа товушларни тинглайди. Уларни бир – биридан ажратади. Қадимда Буюк ишак йўлида ога – боболаримиз савдо қарвонлари билан туяда, отда, тоғли - тошли чўлларда қатнаганлар. Айниқса, отда кетаётганда унинг оёғи остидаги тошлар “шакур – шукур, тақа – тақ, чақа - чак” қилиб овоз чиқараётганини пайқаб қолишибди. Бейхитёр от устидан пастга тушиб, оёқ тагидаги тошларни олиб, бир – бирига уриб кўришади. Шунда иккала тошдан қалбга яқин ажабтовур оҳанг чиқибди.

**Мазмуни.** Ёқимли оҳангдан завқланган йўловчилар тошларни отлар туёғи остидан чиқётган товушларга мос таққиллатиб келганлар. Илгари шунчаки оддий бўлиб туюлган бу товушлар бора – бора инсон қалбига кириб, товуш ритмларидан оҳанг излай бошлаган. Бу тугённи чиқариш учун инсон тошни – тошга, ёғочни – ёғочга, темирни – темирга уради. Кўнглига мос оҳанг излайди. Охири тош билан темирни бир – бирига уриши натижасида кўнглига мос оҳанг топади. Бу оҳанг тош билан темир ритмларини чиқариб берувчи товуш эди. Инсон энди шу товушлардаги оҳангни тинглаб, уларнинг йиғиндисидан ҳосил бўлган бирон – бир воқеликни мусиқа орқали изҳор этишни истаб қолади. Шу тарзда маҳсус тош ва темирдан куй яратган ижрочилар пайдо бўлади. *Кейинчалик тош билан темир мусиқа асбоблари қаторидан ўрин олади. Бу қайроқ деб атала бошланади.*

**ҚАЙРОҚ** — кесувчи асбобларнинг тигини ўтқир қилиш учун шилатилдиган, одатда, узунчоқ ва япалоқроқ силлиқ ёки махсус шиланган тош. 2. Жисми садоланувчи урма чолеу; раққослар қўлда шиқирлатиб ўйнайдиган бир жсуфт чўзинчоқ (қайроққа ўхшаш тош).<sup>16</sup>

**Қайроқ** — Ўрта Осиё халқлари ўртасида тарқалган урма муסיқа асбоби. Япалоқ текис қилиб шиллиқланган тўртта Қайроқ тошдан иборат; улар ҳар бир қўлга бир жсуфтан ушланиб, силкитиб ё титратиб чалинади. Одатда

қайроқчи рақсга тушувчининг ўзи чалади. Санъатшунос И. Акбаровнинг “Муסיқа лугати” да **Қайроқ** **ўйин** — қайроқларни титратиб ритм (усул) чиқариш. Раққос уларни бир – бирига урилишдан чиққан ритмик товушни ўз рақсига жўр қилади. Қайроқ ўйини рақсга тушувчи бажаради ва шу ритмда ўйнайди<sup>17</sup>, дейилади. Ўзбекистон халқ артисти Гавхархоним Матёкубова бу фикрга қўшилмайди ва шундай изоҳ беради: “Қадимги ҳақиқий қайроқ усул Хоразмдан бошқа вилоятларда учрамайди.”<sup>18</sup>

XX – аср бошларида яшаб, ижод этган санъаткорлар Машариф Тўқай, Буважон қайроқ, Раим ота Оллоберганов, Солай оталар Хоразм қайроқ рақсининг моҳир усталари ҳисобланган. XX – асрга келиб, қайроқ оммавийлашиб, тош узунлиги 10 сантиметр, темирнинг узунлиги 16 сантиметр агрофларида бўлган. Қайроқ туфайли Хоразм муסיқа санъати янада мукаммаллашди. Уфориларда, халфалар кўшиқларида энди ўтирган жойида қайроққа ўйнайдиган махсус ижрочилар пайдо бўлди. Ўтмишда қайроқ рақсини фақат эркаклар ижро этган бўлса, вақт ўтиши билан аёллар орасида ҳам қайроқ рақси

<sup>16</sup> ЎТИЛ, 5-ж. 217-б.

<sup>17</sup> Акбаров И. Муסיқа лугати. Т.: “Ўқитувчи”, 1997. –Б.371.

<sup>18</sup> Матёкубова Г. Лазги. Т.: 2017. –Б.49.



ижрочилари пайдо бўла бошлади. Олия Отамуродова, Саодат қайроқ, Меҳрибон қайроқ, Норжон қайроқ, Салима қайроқ, Ўғил қайроқ каби раққослар бу йўналишнинг устозлари ҳисобланадилар.

Раққоса “Қайроқ лазги”ни ижро этиш учун тош билан темирни ўзининг қўл ўлчамига мослаши ва уни машқлар орқали ўз қўлига ўргатиши зарур. Ритмга мос товушлар, резлар, майда резлар муסיқа оҳангига мосланади.

“Қайроқ Лазгиси” бир неча бўлимдан иборат.

## БИРИНЧИ БЎЛИМ:

1. Доира рез бошлайди. ( РЕЗ - {ф. - майда; кичкина} 1. Мусиқа асбобларидан бир ритмда чиқадиган узук – узук қисқа садолар. 2. Шу турдаги куй номи. <sup>19</sup> Рез – торли тирнама чолу асбобларида ҳосил қилинадиган қисқа товуш. Рез – чолу асбобларидан доира, нозора, танбур, дутор ва бошқа асбобларда қўлланилади) <sup>20</sup>. (И. Акбаров 237- бет.)

2. Қайроқ “чиррррр – чирр” этган куш садоси резини бошлаб чиқади.
3. Бирдан тўхтаб қолади. Бу “Лазги”нинг тарихий ракс услубининг бошланишидир.
4. Доира “Лак-лак-лак” деб товуш беради.
5. Қайроқ “так-так-так” деб товуш чиқаради.
6. Доира “лак-лак-лак – у - там” деб садо берилади.
7. Қайроқ “так-так-так – у там” деб унга жўр бўлади.
8. Доиранинг ҳар бир оҳанг зарбига қайроқ ўша оҳангда жавоб қайтаради.
9. Бу садолар ракс ҳаракати билан бажарилади.
10. Доира билан қайроқнинг савол жавоби шу тарзда давом этади.
11. Биринчи бўлим якунланади.

## ИККИНЧИ БЎЛИМ:

1. Доира садосининг оҳанглари мураккаблашади.
2. Ритм шиддат билан тезлашади.
3. Қайроқ оҳангги ҳам ундан қолишмай жадаллашади. Мусобақа шу тарзда давом этади.
4. Ҳам куйда, ҳам рақсда мураккаб ва ўйноқи услуб яратилади.

“Қайроқ Лазгиси” да асосан куйидаги ҳаракатлар кузатилади:

1. Гавда тўғри ҳолатда иккала қўл қайроқни ушлаганча пастга тушиб туради.

<sup>19</sup> ЎТИЛ 3-ж. –Б.370.

<sup>20</sup> Акбаров И. Мусиқа луғати. Т.: “Ўқитувчи”, 1997. –Б.371.

2. Иккала қайроқ ушлаган қўлни тирсақларни бироз букканча юқорига бошнинг утсига кўтарилади.

3. Қайроқ ушлаган чап қўл сал ёнбошга яъни чап томонга очилади.

4. Ўнг қўл қайроқни ушлаганча юқорида қолади.

5. Қайроқ ушлаган чап қўл юқори ёнбошдан пастга ўнг томон кўкрак остига туширилади. Қайроқ ушлаган ўнг қўл юқорида қолади.

6. Ўнг қўл секин биринчи ҳолатга тушади. Бош чап қўлга қараб туради.

7. Қайроқ ушлаган иккала қўл елка кенлигида секин олдинга ҳаракатланади. Ва тўғрига қараб тутиб туради.

8. Мусиқа оҳангида ҳаракатлар тез – тез алмашади.

## “ҚАЙРОҚ ЛАЗГИСИ”НИНГ ЛИБОСЛАРИ ВА

### ТАҚИНЧОҚЛАРИ:

Либослари енгил матолардан тикилган.

**ЭРКАКЛАР** чўғирмада, оқ ятак, бурмаси енгилда, этакларида жияк, тиззага яқин кўйлак, қора шалвор, тўқ рангда. Белбоғ, оёғида этик, кексалар махси кияди.

**АЁЛЛАР** юпка, ялтироқ матолардан енгилга, ёқасига, этагига попоп (кашта) урилган, бели бурмали узун кўйлакда бўлишади. Устидан кўйлақдан сал калтароқ (4 бармоқ баландда) елак, бошига маноқли тақя кияди. Кўкрагида шавкала, қўлига занг, қулоғига узун зирак такади;

## “ДУТОР ЛАЗГИСИ”



**Тарихи.** Қадимшунос олимлар ўтмишда дуторнинг пайдо бўлиши, унинг овозидаги дардни Зардуштийлик давридаги маросимларга боғлаганлар. Унинг яралиши ҳақида турли афсона ва ривоятлар бор. Улардан бирида айтилишча, қадимда қурбонликка садақа қилинган киз ёки йигит ичагидан олиб, дуторга тор тортиб бойлаганлар. Дутор торининг иккита бўлиши орзуларига етолмай қурбонлик қилинган киз билан йигитнинг армони эмиш. Хоразм бахшичилиқ мактабида ҳам қадимда дутор асосий асбоб ҳисобланган. Шунингдек Хоразм мумтоз

муסיқасининг бош чолгуси ва калити ҳам дутор бўлган. XX аср бошларида яшаб ижод этган Нурмамаат Болтаев, Исоқ Шодиев, Мухаммадбоғи Беков, Матюсуф Ҳаррагов, Сора бола (Сорахон Эркаева) Ҳожихон Болтаев, Отажон Қўшматовлар дуторда Хоразм халқ куйларини айниқса, “дутор лазгиси”ни маҳорат билан чалиб, эл ичида доврўғ қозонганлар.

**Мазмуни.** “Дутор Лазгиси” асосан аёллар рақсидир. Ўзбек халқи Гулчехра Абдуллаева, Норхон опа, Роза Сапоева, Гулчехра Мирзаеваларнинг, моҳир санъаткор Саодат Симобнинг рақсларини ҳамон севиб эслашади. Кўнгил ва вужуддаги ҳиссиёт, туғён дутор ноласига вобаста, айни пайтда томошабинга завқ ва тасалли бахш этиши керак. “Дутор лазгиси”ни ижро этиш учун раққоса аввало муסיқани қалбан ҳис этиши шарт. Чехрасидаги изтироб, ғаму-ғусса, дард, хижрон каби туғёнларнинг сояси ички нафосат билан уйғунлашиб, дутор садосига мос ижро этилиши керак. Бу рақс раққосадан кучли драматизмни талаб қилади. Нигоҳлар, бош силкинишлари, бир

ҳолатдан иккинчисига яъни қайғудан севгига, азобдан шиддатга, хижрондан мухаббатга ўтиш ҳолатлари тўғри танланиши зарур. Дутор ноласи кўнгил ва вужуддаги ҳиссиёт билан вобаста бўлиши шарт. Бу рақс асосан аёлларга мансуб.



**1. Дутор** — {Ф. — икки тор, икки торли} Икки торли, чертиб чалинадиган

узун дастали муסיқа асбоби.<sup>21</sup>

**2. Дутор** — ( икки тор) Ўзбек, шунингдек, тожик, туркман ва уйғур халқлари ўртасида кенг тарқалган торли тирнама чолғу асбоб. Д. икки қисмдан (даста ва косадан) иборат бўлиб, буларни бирлаштирувчи қисмни “бўғиз” деб аталади. Овози паст майин бўлгани учун кўпроқ яққанавоз тарзда ижро қилинади. Дутор айниқса аёлларимиз орасида кенг тарқалган.<sup>22</sup>

“Дутор Лазгиси” куйидагича ижро этилади.

1. Дутор ўз ноласини бошлайди.
2. Раққоса резга монанд ҳолда қўлларини юқорида тутиб, диврага чиқади.
3. Майин табассум билан таъзим қилади.
4. Секин орқага қайтади.
5. Назоқат билан ўтириб, ўнг тарафга қайрилиб, қўллари титрай бошлайди.
6. Тик турган ҳолатида тўхтаб, гўё қотиб қолади.
7. “Дутор Лазги” рақсининг дебочаси ижро этилади.

<sup>21</sup> ЎТИЛ, 1 – ж. –Б.670.

<sup>22</sup> Акбаров И. Муסיқа луғати. Т.: “Ўқитувчи”, 1997. –Б.96.

8. Раққосанинг чехрасида синик табассум. Бармоқ, панжа, қўл, бош ҳаракатга келиб аста - секин танага жон қиради.  
 9. Бир қўл телада иккинчи қўл пастга тушади.  
 10. Раққоса ритм асосида гоҳ нафас олиб, гоҳ нафас чиқариб, кўкрак ҳаракати қилади.

11. Гўё бу ҳаракат билан ўз юракларида ва армонларини ифодалайди.  
 12. Раққоса қўлларини кўтариб, қарс уриб, биринчи бўлимни якунлайди.  
 13. Бирдан тўхтаб қолади. Сўнг иккала қўлини белига тираб, бутун вужуди билан титрай бошлайди.  
 14. Титрама мусиканинг уч - тўрт оҳанги ўтгунга қадар давом этади.  
 15. Кейин ўнг тарафга қараб, айланма ҳаракат билан елкаларини олдинма кейин буради.  
 16. Чехрасида севги изгириби, айрилиқ акс этади. Қўллари кўксида.  
 17. Бармоқларини ноз билан қирсиллатиб, ёнбошга майда одимлар билан хиром этади.  
 18. Гўё тақдирга тан бергандек, қисмат ўйинларидан чарчагандек, бармоқларини қирсиллатиб, бир қўлини юқорига кўтариб, давомли рақс ҳаракатларини ифодалайди.

### “ДУТОР ЛАЗГИСИ”НИНГ ЛИБОСЛАРИ ВА ТАҚИНЧОҚЛАРИ:

“Дутор Лазгиси” аёллар рақси ҳисобланади. Ёши каттароқ аёллар лачак кийиб ўйнайди. Ёшлар қазма тақя кияди. Орқасида рўмол бўлади. Рақс аёлларнинг ички изгирибларини, дардларини ифодалагани учун ҳам , либослари вазминроқ оч рангларда бўлади.


“Лазги” туркум рақсларида ҳеч қачон қора рангли либос кийилмайди. Раққосалар асосан ёрқин рангли ипак либосларда бўлишади, оёқларида махси-кавул бўлади. Елак кийилади. Тақинчоқлар шоҳона: кўкрагида шавкала, кулоқларида узун зирак. Бошларида гулпатак тақя, матир рўмол ва чорқат ўралган.

### “СУРНАЙ ЛАЗГИСИ”

**Тарихи.** Хоразмшоҳлар даврида “Лазги” рақсининг сурнайда ижро этилганлиги кўшинларнинг жангга кириш олдидан рақибларни енгишга илҳомлантирган, ғалаба куйи сифатида чалинган лашкарлар мадҳияси бўлган экан. “Сурнай Лазгиси” ким томонидан ижро этилмасин, жанговор, мардона ҳолатда шижоат билан ўйналган. Рақс ҳаракатлари енгиш мақсадида ғалабага интилаётган қалб оташини ифодалайди. Сармиш тоғ олди қазилмаларидан топилган девор суратлар орасида тўрт раққоснинг ўйин ҳаракатларини ифодалаган композициялар бор. Улар жанг ҳолатларининг тасвирига жуда яқин. Қоятошларга ўйиб ишланган, мил.ав. 4- 1 минг йилликка мансуб бу расмлар 1958 йилда Х.Мухамедов томонидан топилган бўлиб, уларда “ёввойи хайвонларни ов итлари ёрдамида овлаш, хайвонларнинг ўзaro уруши, чорвачилик, рақс тушаётган одамлар, диний маросимларнинг ижро этилиши билан боғлиқ манзаралар тасвирланган ибтидоий санъатнинг нодир ёдгорлиги” дир.<sup>23</sup>

У ҳали ҳозиргача ўзининг жанговорлик характерини сақлаб қолган қаҳрамонлик рақси ҳисобланади. Суратдаги раққосларнинг қўл, оёқ, тана ҳаракатларидан, қўлни кескин юқори кўтариб, тиззани бироз букиброқ ўйнаши, шиддат билан сакраши ҳозирги “Лазги” рақс ҳаракатларига ўхшаб кетади. Бу ҳолатлар ҳам “Сурнай Лазгиси” да акс этади.





Давр ўтиши билан “Сурнай Лазгиси” харбий маросимлардагина эмас, маиший турмуш билан боғлиқ турли тadbирларда, Ҳосил байрамлари, бешик тўйлар ва концертларда ҳам ижро этилмоқда. Қадимда унга асосан эркаклар рақсга тушишган, кейинчалик оммавий рақс сифатида шаклланган. 19 – аср охири XX – аср бошларида яшаб ижод этган Шариф Тўғонов, Давлат сурнайчи, Отамурод сурнайчи, Қодир сурнайчи, Қуронбой Бобожонов, Қодир Бобожоновлар унинг моҳир ижрочилари бўлишган. Айниқса, машхур раққос Зариф Лагипов билан гурланлик Раззоқ отанинг, буюк санъаткор Комилжон Отаниёзов билан хозорасплик Абдулла раиснинг “Сурнай Лазгиси” ни кўпчилик ҳамон завқ билан эслайди. Мавжуд лугатларимизда сурнайга шундай таъриф берилган:

**Сурнай** — {Ф. - тўйда чалинадиган най, сибизга} - тешикларини бармоқлар билан очиб-ёпиб, пуфлаб чалинадиган мусика асоби.<sup>24</sup>

**Сурнай** — ўзбек ва тожик халқлари ўртасида кенг тарқалган қадимий пуфлама ёғоч чолғу асбоб. Сурнай ёлғиз, шунингдек ноғора, карнайлар билан ҳам биргаликда чалинади. Сурнайда чап ва ўнг қўл бармоқлари билан ёпиладиган олтига тешикча бор. Еттинчи тешик эса, пастки томонда бўлиб, у чап қўлнинг бош бармоғи билан беркитилади. Сурнай навоси ўзига хос ёқимли ва завқ билан тингланади.<sup>25</sup>

Зеро, сурнай қадимий чолғу асбобларидан бири эканлиги ҳамда тўққиз “Лазги”нинг тўрттинчиси айнан унинг номи билан

<sup>24</sup> ЎТИЛ, 3-ж, 594 - бет.  
<sup>25</sup> И. Акбаров 274- бет.

аталиши боис уни кенгрок шархлашни жоиз деб билдик. **Сурнай** – пуфлама-тилчали мусика чолғу асбобининг номи. Асосий танаси 400-550 мм узунликдаги мевали дарахт ёғочидан, ички томони цилиндр, баъзида конус шаклида, карнайчаси кенгайтирилган ҳолда ясалади. Хоразм сурнайининг товуши кескин ва чийилдоқ. Сурнайда товуш ҳосил қилиш мураккаб бўлиб, созанданинг узлуксиз нафас олиш жараёнига асосланади. Мазкур ижро турига Хоразмда “дам айлангириш” дейилади. Бунда ижрочи лунжини шиширган ҳолда захира ҳавони оғзида сақлайди ва бурундан нафас олаётган пайтида захирадаги ҳавони чакка мушаклари ёрдамида сурнай найчасига пуфлайди. Натжлада сурнайга ҳаво юборилишида товуш узилишига йўл қўйилмайди. Сурнай карнай, ноғора ёки доира жўрлигида оммавийлашган махсус ансамблни ташкил қилиб, миллий анъанавий томошаларда, дорбоз, қўғирчоқбоз ўйинларида, турли маросим, йигин ва сайилларда, миллий рақсларда (“Уфарлар”, “Қум пишиқ”, “Тўрғай”, “Зувоний”, “Ротолло”, “Оразибон”, “Норим-норим”, “Елпасаланди” ва айниқса, “Сурнай Лазгиси”) кенг қўлланилади. Сурнай якканавоз чолғу сифатида ҳам машхур. Ижро имкониятларининг бойлиги ва ўзига хос хусусиятларга эгаллиги туфайли унда чалинадиган куйлар алоҳида ажралиб туради. Хоразмда сурнай учун махсус “Сурнай мақомлари” мавжуд бўлиб, улар машхур “Танбур чизиги”<sup>26</sup> да ўз аксини топган.

**Мазмуни.** Давр ўтиши билан “Сурнай Лазгиси” харбий маросимлардагина эмас, маиший турмуш билан боғлиқ турли тadbирларда, Ҳосил байрамлари, бешик тўйлар ва концертларда ҳам ижро этилмоқда. Қадимда унга асосан эркаклар ҳам, аёллар ҳам рақсга тушишган, кейинчалик оммавий эркаклар рақси сифатида шаклланган. 19 – аср охири XX – аср бошларида яшаб ижод этган Шариф Тўғонов, Давлат сурнайчи, Отамурод сурнайчи, Қодир сурнайчи, Қуронбой Бобожонов, Қодир Бобожоновлар унинг моҳир ижрочилари бўлишган. Айниқса, машхур раққос Зариф Лагипов билан гурланлик Раззоқ отанинг,

<sup>26</sup> Буюк ўзбек шоири, хаттот, мусикашунос, таржимон ва давлат арбоби Комил Хоразмий (асл исми Пахлавон Муҳаммаднинг Абдулла Охунд ўғли) (1825-1899) “Танбур чизиги” деб аталувчи нота тизимини жорий этган.

буюк санъаткор Комилжон Отаниёзов билан хозорасплик Абдулла Раиснинг “Сурнай Лазгиси”ни кўпчилик ҳамон завқ билан эслайди. Сурнай ҳеч қачон уй ичида чалинмайди, шунинг учун ҳам “Сурнай Лазгиси” майдон рақсига айланган. Йигитлар баъзан иккита, баъзан гуруҳ бўлиб ўйнайди. Рақиблар баҳсига, даҳанаки жангига ўхшайди.



“Сурнай Лазгиси” одагда икки киши бўлиб ижро этилади. Баъзи холларда кўпчилик ўйнаши ҳам мумкин. Лекин ҳаракатлар бир – бирини такрорламаслиги шарт. У қуйидагича ижро этилади:

1. Давранинг ўнг тарафидан бир раққос, чап тарафидан иккинчи раққос ўртага чиқади. Уларни мухлислари қарсақ ва қийқириқлари билан қўлаб туришади.

2. Раққослар “Мен уни енгаман” деган имо билан ўз ихлосмандларига қараб, қайфиятни кўтарадиган ҳаракатлар қилишади.

3. Улар курашга чиққан полвонлардек белларини боғлаб, рақс ҳаракатлари билан билакларидаги кучларини кўрсатиб, енгларини шимариб, ўзларини курашга тайёр эканликларини билдирадилар.

4. Сурнай рез чала бошлайди.

5. Қўллар ҳавода титрайди.

6. Бирдан қўллар ҳавода, қомаг тик ҳолда қотиб қолади. “Лазги” рақсининг анъанавий қисми бошланиб, икки такт ўтади.

7. Секин – секин муסיқа оҳангида аввал бармоқлар, панжалар, қўллар, сўнг елкалар ҳаракатга келади. Гўё танага “жон” киради.

8. Раққослар гўё бир – бирига ташланишга шай арслонлардек бир – биридан кўз узмай ҳаракатланишади.

9. Бир неча сония ўтгач муסיқага мос ҳаракатлар билан оёқлар ва қўллар ўзаро яқинлаша бошлайди.

10. Биринчи раққос қўллари билан курашга чорлагандай маъноли ҳаракат қилади.

11. Иккинчиси “мен ҳам тайёрман дегандай, шу ҳаракатни такрорлайди”.

12. Энди биринчи раққос кескинроқ ҳаракат қилади.

13. Иккинчи раққос ундан ҳам мураккаброқ усул қўллайди.

14. Икки ўртада ҳақиқий баҳс бошланади. Бир – бирини такрорламайдиган турли усуллар, мураккаб муқомлар намойиш этилади.

15. Кейин иккита раққос душманга ташланаётган жангчидек шиддатли ҳаракатлар билан югуриб, қарсиллатиб қарс урадилар.

16. Улар бир – бирига яқинлашиб, бошлари бир – бирига тегай – тегай деб қолади.

17. Гўё қўллари билан бир – бирига талпиниб, курашаётгандай ҳаракатларни тезлаштиради.

18. Оҳанг ҳам шиддатли тус олади. Раққослар ўз мухлисларининг олқишлари остида, тараф-тараф бўлиб, оёқ, қўл, гафда ҳаракатлари билан турли усуллар қилиб, майда қадам ташлаб, давра айланишади.

19. Ҳар қайси раққос ўз ихлосмандлари ёнида бор санъатини ишга солиб, янги – янги усуллар кўрсатади.

20. Раққослар икки тарафда туриб, бир – бирига қараб қарс уради. Мухлислар ҳам ўрнидан туриб, ўз раққосига зафар тилаб, қарсақ чала бошлайди.

21. Гўё биринчи раққос жангга ҳозирлангандай иккинчи раққосни босиб боради.

22. Ўнг оёқ олдинда чап оёқ орқада, тиззалар букилган, қўллари билан терма териш ҳаракатини ифодалаб, рақсга тушади.

23. Ва ўз рақибини давранинг четига сура бошлайди. Муסיқа шиддатли тус олади. Қийқириқлар авжга чиқади.

23. Энди иккинчи раққос биринчи раққосни енгмоқчи бўлгандек, у томонга кела бошлайди.

24. Икки раққос бир – бирига яқинлашиб, гир айланиб ўйнай бошлайди.

25. Оҳанг тезлашгани сари томошабинлар ҳам беихтиёр рақсга қўшилиб, охирида ҳамма баробар ўйинга тушади.

26. Рақсни барча ғолиблик ҳолатида кўлларини юқорига кўтариб яқунлашади.

### “СУРНАЙ ЛАЗГИ”НИНГ ЛИБОСЛАРИ:

Қадимда эркаклар ҳам, аёллар ҳам “Сурнай Лазги”га ўйнаган. Вақт ўтиши билан бу жанговар рақс фақат эркакларники бўлиб қолган.

Раққослар эғнида оч рангдаги, чеккасига жияк тикилган хаворанг ёки оқ кўйлак, қора шалвор, устидан енгил чопон, бошига чўғирма, оёғига учли этик кияди.

### “САРОЙ ЛАЗГИСИ”



Тарихи. 6 аср ўрталарида Арабистоннинг сиёсий, иқтисодий, этник ва маданий жиҳатдан бирлашишида Ислом дини муҳим омил бўлиб хизмат қилди ва келажакда вужудга келган мусулмон оламининг мафкурасига айланди. 7- 8 - асрларда Моворуннаҳрда ҳам ислом дини кенг ёйилди. 8 – 9 – асрларда исломда диний-фалсафий оқим – тасаввуф пайдо бўлди. “Тасаввуф диний-эстетик таълимоти Шарқ мумтоз мусиқаси, айниқса, мақом, қатга ашула, дастгоҳ, қавалли, ғаззали жанрларининг шаклланишига

маълум даражада таъсир қилди.”<sup>27</sup> Ислом маданиятининг янги анъаналари тараққий эта бошлади. Шунинг баробарида тасвирий санъат, рақс каби санъат турларига таъқиқ қўйилди. 14 – асрга келиб, таъқиқлар сал юмшаб, миниатюра санъати ривожланди. Манбаларда келтирилишича, 17 – асрда Хива хонлигида санъат, илм - фан ва маданият ривожланиб, кўплаб хорижий давлатлардан Хоразмга элчилар кела бошлаган. Улар шарафига ўтказиладиган дабдабали қабул маросимларида мусиқа, ашула ва рақс албатта ижро этиларди. Шу тариқа “Сарой адабиёти”, “Сарой театри” каторида “Сарой рақси” ҳам шаклланди. Халқ орасидан истеъдодли созанда ва раққослар жалб қилинди. Санъаткорлар орасида аёллар рақсини ижро этувчи махсус ёш Уйинчи ўспиринлар бўлиб, улар Хоразм хонлигида “Ўғлон бола” дейилган.

<sup>27</sup> ЎзМЭ, 3-ж. –Б.304.



Мазмуни. Ҳорамнинг ўзига хос мақомлари, мумтоз, ўйноқи куйлари, уфори, нағмалари бойиб борган сари, рақслари ҳам жумладан сарой раққоси ўйинлари ҳам такомиллашиб борди. Хива хонлигида Қодир бола, Раҳим бола, Озод бола, Хударган бола каби раққослар аёллар рақсининг уста ижрочилари бўлишган. Одатда раққослар аёлча кийиниб, безаниб, пардоз – андоз килиб чиқилган. Бошқа “Лазги”лар каби “Сарой Лазгиси” ҳам ўз даврида ниҳоятда обрў қозонган.

Сарой — { Ф. — Уй, бошпана; қаср; қарвонсарой; Ёлик бозор } 1. Хон, Амир, Подшоҳларнинг доимий қароргоҳи бўлиб хизмат қилган ҳашаматли қатта бино: Кошона<sup>28</sup>

“САРОЙ ЛАЗГИСИ” куйидагича ижро этилади:

1. Рез бошланади. Раққос майда қадамлар билан даврага чиқади.
2. Саҳна ўртасига келганда кутилмаганда қадамини тезлатиб, давранинг ўнг томонига югуриб бориб тўхтайтиди.

<sup>28</sup> ЎТИЛ, 3 – ж. –Б.-452.

3. Қўлларини ҳавода тебратиб, худди майин шабадани эслатувчи рақс ҳаракатларини қилади.
4. Мусиқага мос, ёнбошга майда қадам босиб, рўмоли билан юзини бекитиб, гоҳ уялиб назар ташлагандай, гоҳ кўзини сузиб, юзида маҳзун ва мамнун имо – ишоралар билан аёл ҳиссиётларини ифодалайди.

5. Кутилмаганда мусиқа тиниб, раққоснинг қўллари ҳавода қотиб қолади. “Лазги”нинг анъанавий қисми бошланади.

6. Мусиқа нола чекади. Раққоснинг қўллари қотиб туради. Яна нола. Раққоснинг қўллари ўша ҳолатда. Нола яна такрорланади.

7. Бармоқларга секин жон кириб, тебрана бошлайди. Панжалар ҳаракатга келади. Билалар ажрала бошлайди.

8. Раққос уялгансимон қошларини учириб, бўйин тебратиб, ияк қоқиб, рақс бошлайди.
9. Бармоқларини қирсиллатиб, бу ҳаракатларни раққос турган жойида бажаради.
10. Секин қимирлай бошлайди. Бармоқлар қирсиллаб, ўнг тарафга олма отгандай, чап ёнбошга юриб, олма тергандай ҳаракат қилади.

11. Елкаларини олдинма - кейин қимирлатиб, истиғно аралаш тезлашиб, биринчи бўлимни яқунлайди.

**Иккинчи бўлим** очилади. Мусиқа жадаллашади, раққос давра айланиб, оёқларини букиб, ўнг оёқ олдинда, чап оёқ орқада, оёқ услубини бошлайди.

1. Бармоқлари галма – гал қирсиллаб туради.
2. Қўллари елка узра кўтарилиб, занглар бир – бирига урилиб, ритм асосида ўзига хос оҳанг бера бошлайди.
3. Тиззалари букилган ҳолда, бармоғининг бирини қирсиллатиб, иккинчисини занг оҳангида ўйнатиб, ёнбоши билан давра айланади.
4. Давра ўртасида қўлдаста кўтариб, қарс уриб рақсни яқунлайди ва учинчи бўлимга ўтади.
5. Учинчи бўлим. Раққос турган жойида бутун вужуди билан титрама ҳаракатини қилади.

6. Шу титраш билан чўккалаб ўтиради.



7. Үё аёлларнинг пардоз қилишини, нозланишини, уялишини юз ифодаси орқали кўрсатади.

8. Бармоқларини олдинма – кейин қирсиллатиб, гоҳ ўннга, гоҳ чапга қўл ташлаб, ўрнидан туради.

9. Мусиқа шиддатли тус олади. Раққос бир жойда турганча, унинг бутун танаси, оёқлари, қўллари, бош, юз, кўзлар ҳаммаси ҳаракатга келади.

10. Қўл дасталари кўтарилиб, қарс урилади. Рақс яқунланади.

11. Раққос давра ўртасига келиб, бошидаги рўмолини бир қўли билан юзига тортиб, уялгансимон, иккинчи қўлини кўксига қўйиб, хоразм келинчақлари образида таъзим қилади.

### “САРОЙ ЛАЗГИСИ”НИНГ ЛИБОСЛАРИ ВА ТАҚИНЧОҚЛАРИ:

Сарой раққоси ёрқин рангли узун қўйлақ, узун яқтак, шойи лозим кийиб, бошига манокли тақа, сачоқли матир рўмол ташлаб, оёғига махси кийиб, улама сочини орқага ташлаб, бўяниб қиз киёфасида даврага чиққан.

Қўлига занг, кўкрагига Хоразм шавкаласини осади.

### “ЧАНГАК ЛАЗГИСИ”

**Тарихи.** Хоразм-Турон ва Эрон минтақалари оралигида жойлашган тарихий ўлка<sup>29</sup> бўлганлиги сабабли унда турли миллатлар яшайди. Тўққиз “Лазги” дан бири-“Чангак Лазгиси” Хоразм эронийларининг урф – одаглари ва азалий анъаналари, қадимий санъатлари билан боғлиқ. Улар ҳақидаги энг аниқ ва тўғри маълумотлар атоқли шоир ва таржимон Мухаммад Ризо Эрнийёзбек ўғли Огаҳийнинг “Риёзуд-давла” номли асарига мавжуд.



Ҳозиргача Қўшқўшир туманининг Оқдарбанд қишлоғида ўзларининг она тили ва урф-одагларини сақлаб Хоразм эронийлари, яъни форсийлар истиқомат қилади. “Ашуро” маросимининг таъсири остида “эронийлар Лазгиси” ёки “Чангак Лазгиси” пайдо бўлди. Ашуро — арабчадан олинган бўлиб, ўн кунлик деган маънони билдиради. 1. Исломнинг илк даврида муҳаррам ойининг 10-кунида тугилган рўза. Кейинчалик рамазон ойида рўза тутиш белгилангач, Ашуро рўзасини тутиш ихтиёрий деб белгиланган. 2. Шиаларда халифа Алининг жангда ҳалок бўлган ўғли Хусайннинг хотирасига бағишлаб муҳаррам ойининг дастлабки ўн кунлигида ўтказиладиган мотам маросимлари. Кўкракларига уриб, нола чекадилар.<sup>30</sup> Бу рақсни фақат йиғитлар ижро этади.


**Мазмуни.** Бу рақс услуби ўзининг оригиналиги, серзавқлиги билан ажралиб туради. Собир Жуманиёз ўғли, Жумми Хабибов, Қадам Матниёзов, Қўзи Жуманиёзовлар унинг

<sup>29</sup> ЎЗМЭ, 9-ж., 466-б.

<sup>30</sup> ЎЗМЭ, 1-ж. 542-б.

моҳир ижрочилари ҳисобланади. Хоразм дostonлари, ашулалари ва рақслари орасида “Чангак Лазгиси”нинг алоҳида ўрни бор. Огаҳий номидаги Хоразм вилоят театрининг артисти Собир Жуманиёз ўғли ва оқдарбандлик ўқтам Рўзиметовлар айниқса уни маҳорат билан ижро этадилар.

Икки халқнинг маданият ва санъати уйғунлашиши нагжасида пайдо бўлган бу рақс хоразмлик эронийлар томонидан Оқдарбанддаги байрам, тўй- томошаларда ўйналиб келинмоқда. Унинг бошқа “Лазги”лардан фарқи ижрочи қотма ҳолатга кириши керак. Қўл – оёқлар қотган, лекин мусиқа оҳангида эгилиб, инсон танаси бўшашиб, сеҳрли бир манзарани ифодалайди. Рухиятга завқ беради.



**Чангак** – {  $\Phi$  – илмоқ, илгак } - 1. Бирор нарса илиш учун ёғоч, темир ва шу кабилардан ясалган панжали илмоқ; илгак. 2. Чангак бўлмоқ. Тиришиб, томирлари тортишиб қолмоқ, акашак бўлмоқ.<sup>31</sup>

“**ЧАНГАК ЛАЗГИСИ**” куйидагича ижро этилади.

- 1 “Лазги” куйи бошланади. Раққос даврани айланиб югуради. Қўларини резга мос ҳолда хавода силкитиб ва бирдан қотиб қолади.
2. Мусиқа нола беради. Икки – уч такт орасида раққоснинг қўллари қотиб туради.
3. Аста - секин бармоқ, панжа, елкалар ҳаракатга келиб, инсон танасига жон кира бошлайди.
4. Қўллар букилиб, худди чангакдай қайрилади.
5. Раққос чангак бўлган қўлига қараб, аста тебрана бошлайди.

<sup>31</sup> ЎТИЛ, 4-ж. -Б- 454.

6. Оёқ тик ҳолатда чангак бўлган қўллар пастга тушиб, энди гавда чангак бўла бошлайди.

7. Раққос худди азон айтаётгандай бир қўлини кулоғига қўйиб, иккинчи қўлини чангак қилади.

8. Кейинги ҳолатда унинг оёқларига жон кириб, қимирлай бошлайди. Иккала оёқ ҳаракатга келади.

9. Раққос бир оёқни чангак қилиб, иккинчи оёқни ерга сал тегизиб, турган жойида бир оёқлаб айланади.

10. Тиззасини салгина букиб, бирданига яна қотиб қолади.

11. Мусиқага уйғун ҳолатда ўнг қўли бармоқларини қирсиллатади.

12. Чап қўли билан елкаларига уради. Кейин бошқа қўл бармоқларини қирсиллатади.

13. Белидан юқориси қотган ҳолда гоҳ ўннга, гоҳ чапга оёғи тик турган ҳолда чайқала бошлайди.

14. Кейин тиззаларини ерга тегизиб - тегизмай худди муаллак тегирмон тошидай айланади.

15. Худди нола қилгандай кўкракларига ура бошлайди.

16. Қўлдастани кўтариб, қарсиллатиб, эпчил енгил **ҳаракатларни**

17. Тезлаштириб, тиззасини ерга тегизиб олиб, яна қотиб қолади. Биринчи бўлим яқунланади.

18. Иккинчи бўлимда раққос бутун вужуди билан чангак бўла бошлайди. Энди оёқлар чангак бўлади.

19. Қўллар бирин кейин елка, бош, кўкракка ура бошлайди.

20. Бу ҳаракатлар “Лазги” мусиқа зарбига жуда мос тушиб, унга ўзгача жозиба ва завқ бағишлайди.

21. Мусиқа тезлашгани сайин ўйин ҳам жадаллашиб, ҳаракатлар мураккаблашади. Иккинчи бўлим қарс билан ёпилади.

22. Учинчи бўлимда раққос икки букилиб, ярим ўтириб олади.

23. Букилган тиззалари билан бармоқларини қирсиллатиб, давомли такрорий ҳаракат билан оёқларини бирма – бир босиб, олддинга юради.

24. Сўнгра ерга ўтириб, гоҳ ўнг, гоҳ чап тиззасини ерга тегизиб, гоҳ тизза билан юриб, қўлини тирсагидан ушлаб



қирсиллатиб, гоҳ уриб,  
такрор – такрор ўйин  
харакати билан давра  
айланади.

25. Муסיқа авжида  
бу ҳаракатлар тезлашиб,  
гўё ўзини – ўзи уриб,  
жазавага тушади.

26. Раққос ўзи  
чарчамагунича бу ҳаракатлар такрорланаверади.

### “ЧАНГАК ЛАЗГИСИ”НИНГ ЛИБОСЛАРИ:

Бу рақсни фақат эркаклар ижро этади. Раққос айлана дўппи ёки чўгирма кияди, эгнида чопон, жигарранг ятак, оёғида махси –калш, чориқ ёки учли этик бўлади.

### “ХИВА ЛАЗГИСИ”



**Тарихи.** Қадим Хива шаҳрининг буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашгани унинг буюк ўтмишидан далолат беради. Хива - Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларидан бири. Археологик маълумотларга кўра, шаҳар милоддан аввал 5 – асрда барпо этилган. Унинг номи шаҳарнинг қадимий қисмида жойлашган Хивак (Хейвак) қудуғи билан боғлиқ. Баъзи тадқиқотчилар шаҳар номини хоразмий тилига яқин бўлган қадимий осетин тилидаги “Хиаув” – қалъа сўзидан, бошқалари бу атамани антик даврдан Хива худудидан оқиб ўтган Хейканик (хозир Полвонёп) каналининг ўзгартирилган (Хейканик – Хейваник – Хейвак – Хева - Хива) номидан келиб чиққан дейдилар.<sup>32</sup> Шаҳарнинг пайдо бўлиши ҳақида турли ривоят ва афсоналар бор. Улардан бирида айтилишича Нух пайғамбарнинг ўғли Сом ўз қабиласи билан кетиб бораётганида баланд бир қирнинг устига чиқиб ухлайди ва тушида 300 та машъала кўтарган лашкарни кўради. Уйғонгач тушини яхшилик аломати деб, бу жойга белги кўяди ва йўлида давом этади. Иккинчи марта бу ердан ўтганида чашма қаздиради. Бу чашмадан сув ичганлар

<sup>32</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 10-ж.Т., 2005; 412 - бет.

роҳатланиб, “Эвоҳ” деб хитоб қилган эканлар. Шу тарика чашманинг номи “Хивақ” деб аталадиган бўлади ва кейинчалик уни кум босиб қолмаслиги учун атрофига саксовул девор ясаб қўйилган, дейилади. Аслида Хива дунёга Муҳаммад ал – Хоразмий, Паҳлавон Маҳмуд, Нажмиддин Кубро, Абулғози Баҳодирхон, Ҳайдар Хоразмий, Мунис Хоразмий, Огаҳий, Феруз каби буюк алломаларга бешик бўлган шахар сифатида дунёга машхур.

**Мазмуни.**Қадимда хиваликлар минора киёс бир жойда тўнка устига чиқиб, оёқларини қимирлатмасдан “Лазги”га тушишган. Шундай қилиб, “Хива Лазгиси” пайдо бўлган. Унда минораларнинг салобати ва буюклиги, мағрур қиёфаси ва унинг пештоқлари ҳамда кунгураларини қуришда ғиштларни ҳавога отиш, териш ҳаракатлари рақс элементлари билан ифодаланган. Хонлик давридан “Хива Лазгиси”нинг “Тўнка устидаги рақс” ҳамда “Момо – боболар рақси” каби усуллари шаклланиб, бизнинг кунларимизгача етиб келган.

1. Анъанавий “Лазги” рези бошланади, раққос табиат тўзалликларидан роҳатланади.

2. Тўнка устидаги рақс шундай ўйналади. Раққос ёки раққоса тўнка устига чиқиб олади.

3. Раққос кўлларини мусиқага мос ҳолга келтиради.

4. Улдувдор минорани кўллари билан кўрсатгандай ҳаракат қилади.

5. Мусиқага монанд, салобатли минорани билаклари, елка ҳаракатлари орқали ўзига тортади ва қотиб қолади.

6. Танага жон кириш ҳолати бошланади. Одамга жон битгач, “Хива Лазгиси”нинг асосий қисми бошланади.

7. Иккинчи қўли панжалари билан билаклари иштирокида раққос нақшкор миноранинг кунгура, пештоқларини, улардаги нақшларни бўлак – бўлақларга бўлиб, рақс ҳаракатлари билан таърифлайди.

8. Мусиқага монанд, раққос худди тепага ғишт отаётгандай ҳаракатлар қилади.

9. Бош пастга эгилган, кўллар тепада, бош мусиқага мос оҳангда оҳиста миноранинг учига қарагандай, бармоқлар билаклар ёрдамида қимирлай бошлайди.

10. Тана, елка тик ҳолатда, фақат бармоқлар ҳаракатланади.

11. Кўл бўлак – бўлакка бўлинади. Худди ғиштни кесиб олаётгандай ҳаракатлар қилади.

12. Кўл панжаларини ғиштни гоҳ юқорига, гоҳ пастга отгандай ўйната бошлайди.

13. Бу ҳаракат оҳиста елкага ўтади. Елкалар олдинма – кейин қимирлаб, бўйин тебратиш, юз, кош, кўз ҳаракатлари мусиқага мос такрорланаверади.

14. Раққос икки кўллаб қарс билан ниҳоят биринчи бўлимини яқунлайди.

15. Мазкур ҳаракатларнинг ҳаммаси асосан тепага қараган ҳолда бажарилади.

#### **Иккинчи бўлим бошланади.**

1. Раққос турган жойда оёқни қимирлатмасдан, худди уни ўйнатаётгандай тебрана бошлайди.

2. Ритмга мослаб, гоҳ ўннга, гоҳ чапга кўллари, бармоқлари ва елкаси ёрдамида турли рақс ҳаракатларини қилади.

3. Раққосанинг тўнкадан пастга тушиши билан учинчи бўлим бошланади.

4. Куй шиддатли тус олади.

5. Амударёнинг ҳайқириб оқиши, унинг тўлқинларида ўйнаётган баликлар, ўзанидан тошиб кетиб, кум барханларига отилган мавжлар каби ҳаракатларни рақс орқали ифодалайди.

6. “Хива Лазгиси” нинг бошқа рақслардан фарқи унда қадимий Хоразм оташпарастларининг оловга сиғиниши маросимлари, оловга эътиқод қилиш элементлари рақсда намоён бўлади.

## МОМО – БОБО РАҚСИ:



1. Серҳаракат момо тўнка устига чиқиб олиб кўллар, бармоқлар, панжаларга жон кирганидан кейин “Лазги”ни бошлайди.

2. Ишдан келиб, ҳовлига кирган бобо момонинг тўнканинг устида ўйнаб турганини кўради. Ҳайратга тушади.

3. Ҳаяжонланиб тўнкада турган кампирининг атрофини айланади. Илҳоми жўшиб, тўнни ечиб, у ҳам рақс бошлайди.

4. Момо тўнканинг устида, бобо пастда. Энди улар бир – бирига ғишт отиш, ғиштни кесиш, бўлақларга бўлиш ҳаракатларини биргаликда қила бошлайди. Биринчи бўлим якунланади.

**Иккинчи бўлим** рез билан давом этади.

1. Бобо тўнканинг устида ўйнаб турган момога ҳазил – мутойба билан гап отишни бошлайди.

2. Момо ёш келинлардек уялиб, нозланиб, ҳар хил ҳаракатлар билан ўзини олиб қочмоқчи бўлади.

3. Момонинг ҳаракатларидан завқланган бобо унинг изидан югургандек ҳаракат қилади. Иккинчи бўлим якунланади.

Учинчи бўлим бобонинг момога ҳар хил ҳаракатлар билан ёлворишидан бошланади.

1. Момо ҳамон ёш келинчак образида бобонинг ёлворишларига парво қилмай, қошини учуриб, юзини рўмоли билан пана қилиб тураверади.

2. Юзини яширганча, елкаларини ноз билан учиради.

3. Бобо бир ялинади, бир жаҳли чиқади, бир аразлайди. (Шулар ҳаракатларда ифодаланса бўладими)

11. Булар ҳаммаси рақс ҳаракатларида ифодаланади. (Ҳаракатларнинг номи)

12. Ниҳоят бобонинг ёлворишлари таъсир қилиб, момо тўнкадан тушади.

13. Мусиқа тезлашади, бобо ва момо худди бахслашгандай шиддатли “Хива Лазгиси”га завқ билан ўйинга тушади.

14. “Лазги”нинг бу тури якка, оммавий, жуфт кўринишларда, болалар, ёшлар, аёллар, йигитлар, момолар ва боболар иштирокида ижро этилиши мумкин.

15. “Хива Лазгиси” халқ лазгиси деган ном билан ҳам довруқ қозongan.



## “ХИВА ЛАЗГИСИ”НИНГ ЛИБОСЛАРИ ВА ТАҚИНЧОҚЛАРИ:

**БОБО:** силтма чўгирма, махси-калиш, елак чопон, қора шалвор кияди, белбоғ боғлайди.

**МОМО:** узун кўйлак, энгларига жияк қадалган, бахмалдан тикилган энгсиз нимча, узун елак, жигарранг ёки оч кўк рангда, бошига оқ харир ёки дока, нозвой рўмол, лачак, уч-тўрт рўмол, тўрт ёки ўн икки ўралган кадхудо кияди. Лачакни одатда кайвони кампирлар ўрайди.

Бўйинини рўмол билан ёпади. Орқа тарафида соч попук илдиради, узун рўмол ергача тушиб туради.

## “ГАРМОН ЛАЗГИСИ”

**Тарихи.** Мўъжизалар ўлкаси - Хоразмнинг кўҳна ва навқирон маданияти, санъати илдиларини ўрганиш катта масъулият юклайди. Зеро, “Авесто” яратилган табаррук масканнинг ўтмиши, сеҳрли-сирли маданияти азал-азалдан дунё ҳамжамиятини қизиқтириб келган. Атоқли қадимшunos олим, собик Иттифоқ ФА мухбир аъзоси С.П.Толстов 32 йил давомида (1937-69) Хоразм археология-этнография экспедициясининг ташкилотчиси ва раҳбари сифатида бу афсонавий ўлканинг ибтидоий, қадимий ва ўрта аср дин тарихи, ижтимоий тузуми ҳамда маданиятини ўрганган. Тупроққалъа деворидаги мил. 1-3 асрларга мансуб чилтор чалаётган аёл



сурати ҳам айнан мазкур илмий экспедициянинг ноёб топилмаси ҳисобланади. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фахрий академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби С.П.Толстовнинг қадим Хоразм тарихига оид тадқиқотларининг салмоқи дунёга машҳур китобларидан ташқари яна 11 жилддан иборат кўлемларга жо бўлган.<sup>33</sup> Ёки, проф. Л.Р.Садоқовнинг илмий изланишлари айнан Хоразм мусиқа маданияти, қадимий сазлари ва мусиқий асбоблари тарихига бағишланган. У ўз тадқиқотларида Тупроққалъадан топилган манбалар асосида зарбли чолгулар, маросим кўшиқлари ижро этилган мусиқий давралар, ликобчалар билан ўйнаган раққосалар ҳақида ёзади.<sup>34</sup> Ликобчали рақс ҳаракати аънаналари “Гармон Лазги”сида сақланиб қолган. (Толстов бн Садоқов олинда ҳам бор эди)

<sup>33</sup> М.А.Итина. Хорезмская экспедиция – основные итоги и перспективы исследований. Культура и искусство древнего Хорезма.М., “Наука”, 1981

<sup>34</sup> Садоқов Л.Р.»Музыкальная археология древней и средневековой Средней Азии: ударные инструменты.» М.1996.с.35.



**Мазмунни.** Ислому дини кириб келгач, илгари ҳамма учун умумий бўлган тўйлар ва маросимлар энди эркаклар учун алоҳида, аёллар учун алоҳида ўтказилган. Шу тариқа ичкари ховли учун ижод этадиган аёллар санъати пайдо бўлган. Улар халқ орасида “халфалар” деб юритилган ва санъатнинг жуда кўп соҳаларини эгаллаб, ангишвона, ликобчалар, қошиқ, пиёлаларни бир – бирига уриб, занг, қайроқ, доира чалиб, улар оҳангига рақсга тушиб, даврани кизитганлар. Халфалардан бири пиёла чертса, иккинчиси қайроқ ҳаракатлар навбатма - навбат алманиб турган. Бу ноёб санъат тури нафақат Ўзбекистоннинг бошқа худудларида, балки дунёнинг ҳеч бир халқида учрамайди. Хоразмда турли оммавий сайллар, тўй ва аза маросимларида хотин-қизлар даврасини халфаларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. “Халфа” истилоҳи “устонинг (устознинг) шогирди” деган маънони ҳам билдиради. 5 жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да *халфа* – { *А.* – бир – бирининг ортидан бориш, эргатиш; ўрин алмашиш } 4. Фольк. Хоразм воҳасида маҳаллий отзаки ижод намуналарини ижро этувчи аёл<sup>35</sup>, эканлиги айtilган.

Халфалар ижодида асосий ўринни ранг – баранг ғазаллар, халқ

дostonларидан олинган кўшиқлар, халқ ўйин ва рақслари эгаллаган. Ўша давр отин ойиларида хат – савод чиқарган санъатта ихлосманд қизлар халқ орасида машхур халфалардан сабоқ олганлар. Халфалар шогирд қизларни аёллар давраларида

ўзлари билан эргатириб олиб юрганлар. Бирга куйлаб, бирга рақс тушганлар. Асрлар давомида аёллар рақс санъати асосан халфалар ижоди билан бирга ривожланиб келган. Улар лапар айтиб, рақсга тушиш, шеър ёзиш истеъдодиغا эга бўлганлар. Тадқиқотчи Ж. Қобилниёзовнинг “Хоразм халқ кўшиқлари ва ўйинлари” (Т. 1975) китобида халфачилик ҳаракати 18 – асрнинг охириларидан бошлангани таъкидланган. Таниқли санъатшунос И. Акбаровнинг “Муסיқа луғати” да (Т. 1997) бу сана 19 – аср деб кўрсатилган. Бизнинг назаримизда Ж. Қобилниёзовнинг илмий хулосаси ҳақиқатга яқинроқ.

Мутахассислар халфаларни уч тоифага ажратишади: 1. Эҳсон маъракаларида диний китоблар ўқиб, ислом ақидаларини тарғиб қилувчи халфалар; 2. Диний мавзудаги дostonларни ёд ўқиб, марсияларни куйга солувчи халфалар; 3. Базм ва тўйларда, аёллар йиғинларида халқ ашула ва лапарларини, халқ орасида тарқалган ғазалларни ва ўзлари ёзган шеърларни куйга солиб, ижро этувчи созанда, раққоса, кўшиқчи халфалар.

Халфалар одагта икки таркибга бўлинишган: яккахон ва гуруҳ шаклидаги халфалар. Биринчи гуруҳга мансуб халфалар дoston ва кўшиқларни созсиз ижро этади. Улар дostonларни ёддан ёки кўлёма ва китоблардан ёқимли, жарангдор оҳангда ўқиб, “ёр-ёр”, “келин салом”, “муборак” мазмунидаги тўй-томоша кўшиқларини ижро этиш билан шуҳрат қозонган. Розия Матниёз қизи, Саодат Худойберганова, Пошшо Саидмамат қизи, Анобаржон Рўзметова ва Анорхон Раззоқова яккахон “халфа” сифатида элга танилган. Ансамблли халфалар кўпинча уч-беш нафардан ташкил топган. Бунда устоз халфа гармон чалиб, ашула айтаган, доирачиси унга жўр бўлган ва албатта рақсга тушган. Раққосалар одагта қайроқ билан даврани киздирган. Ялла ва шўх лапарлар айтилганда, аксарият холларда доира чалинган. Буларнинг бирлашуви эса ўзига хос ансамблини ташкил этган. Улар унутилиб бораётган рақс намуналарини тиклаб, халқ дostonлари, тўй кўшиқлари, лапар ва яллаларни, ўзлари яратган ёки бошқа замондош ижодкорлар асарларини гармон ҳамда доира жўрлигида куйлаган. Бугунги кунда кенг тарқалган халфаларнинг асосий сози - гармонни Хивага XIX

<sup>35</sup> Садоков Л.Р. «Музыкальная археология древней и средневековой Средней Азии: ударные инструменты.» М. 1996. с.35.

аср ўргаларида Татаристондан савдогарлар олиб келган. Луғатларимизда унга шундай таъриф берилган:

**ГАРМОН** – {юн. Harmonikos – ҳамоҳанг; тенг ўлчовли, мутаносиб} Икки ёни буклама, клавиатурали мусиқа асбоби.<sup>36</sup>

**ГАРМОН** – рус чолғу асбоби гармониканинг ўзгартирилган тури. Диатоник товуш қаторига эга бўлган бу чолғу асбоби Хоразмда 19 – асрдан кенг тарқалган. Хоразмнинг атоқли ашулчиларидан Шерозий, Сафо Муғаннийлар ўзлари яратган гармон жўрлигида ашула айтганлар. Хоразм хотин – қизлари – халфалар орасида ҳам гармон кенг тарқалган.<sup>37</sup>

Гармон ўзбек миллий мусиқасига мос тушган ва бу сознинг кириб келиши халфачиликнинг янада сайқал топиб, такомиллашувига имконият яратган. Айниқса, қория ижодкор аёлларнинг кўрмай туриб ҳам соз тутмаларини бармоқ билан осон топиши, қолаверса, бошқа мусиқа асбобларига қараганда чалиниши қулай бўлгани боис ҳам кенг қўлланилган. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, илгари пиёла, қайроқтош ёки дугтор билан ашула айтган аёлларга нисбатан халфа атамаси ишлатилмаган. Улар оддийгина кўшиқчи аёл деб билишган. Гармон кириб келиши билан ана шу кўшиқчи аёллар халфа дея атала бошлаган. Халфачилик бир-бирдан худудий жиҳатдан ҳам фарқланади. Масалан, Хива, Урганч ва уларга яқин бошқа туманларда гармон ҳамда доира жўрлигида куйланса, Хонқа, Тўрткўл ва Шобоз (ҳозирги Беруний тумани)да кўпинча пиёлани бир-бирига урган ҳолда кўшиқ айтилади. Онабиби Қори (тахаллуси Ожиза), Шукур Оллоқули қизи, Хоним сувчи сингари халфалар юксак маҳорати ҳамда ноёб овози билан эл орасида машхур бўлган. Ожиза халфа асосан севги – муҳаббат мавзуида жўшқин шеър ва кўшиқлар яратган. Унинг “Сиз бу гулни қайси боғдан олдингиз?”, “Таргунча”, “Уяламан”, “Хабар галмиш”, “Қайдадир, билмам дилдорим”, “Тўлиной”, “Ўлгунча сени дерман” каби кўллаб кўшиқлари ҳозиргача оғиздан-оғизга ўтиб, санъат шинавандаларини мафтун этиб келмоқда. Бу кўшиқлар ўзбек хотин-қизларига хос бўлган ор-номус, вафодорлик,

<sup>36</sup> ЎТИЛ Т., 2006й. 1-ж. –Б.489.

<sup>37</sup> Акбаров И. Мусиқа луғати. Т.: “Ўқитувчи”, 1997. –Б.64.

инсонни бутун борлиги билан севиш, гўзал туйғуларни юрак тубида асраш, оилани ва соф муҳаббатни улуғлаш каби эзгу ғоялар билан жилоланган. Уларнинг рақсларида ҳам айнан шу хиссиётлар ифодаланган. Халфалар санъатидан асосан аёллар даврасига мансуб ихчам диапазондаги нисбатан пастроқ овозда айтиладиган, фақат хотин-қизларгагина хос бўлган кўшиқ ва ашулалар, юракни тўлқинлантирадиган дилрабо рақслар ўрин олган. Айниқса, қайроқ билан ўйнаб айтиладиган лапар тури халфа раққосаларига кагта шуҳрат олиб келган.

Халфалар доира чертиш, гармон, ликоб, пиёла, занг, қайроқ, ангишвона чалишни ва албатта чиройли рақс тушишни билишлари шарт бўлган. Ёқут халфа, Гулжон халфа, Шукуржон халфа, Анаш Марям, Ойимжон халфа, Шарифа Нўғай, Ўғил Нўғай, Онажон Собирова (Анаш чўлоқ) каби халфалар ўз даврининг энг моҳир санъаткорлари ҳисобланган. “Гармон Лазгиси”нинг асосчиси халқ орасида Анаш чўлоқ (1885 - 1952) номи билан машхур Онажон халфа Собировадир. У аёллардан биринчи бўлиб омма олдиди якка рақс ижро этган буюк санъаткор, серқирра истеъдод ва мислсиз жасорат соҳибаси эди. У яратган “Лазги” рақси ва бир неча туркумдан иборат рақс ҳаракатлари Хоразм рақс мактабининг асосини ташкил этади. “Энг машхур Онажон халфа Собирова халфа томошаси таркибини сақлаш, гармон чалиш ва куйлаш, раққосаларни ўйнатишда, айниқса, хотин – қизлар рақсини саҳнага олиб чиқишда кагта хизмат қилган”.<sup>38</sup> (Лекин, асосан халфаларнинг раққосаси бўлган)

“Лазги”нинг бу турида асосан аёллар рақсга тушадилар ва “Гармон Лазгиси” Хоразм аёллар рақсининг шаклланиши ва такомиллашувида асосий пойдевор ролини ўтаган. Халқ орасида довруқ қозонган, энг кўп ижро этиладиган рақс тури эса “Чаноқ Лазги” ёки “Лаган Лазги” ҳисобланади. Хонлиқлар даврида у энг ноёб рақс усулларидан бири бўлган. Унинг ижроси буйича саройларда кўрик ва беллашувлар ўтказилган. Умуман олганда, халфачилик узоқ тарихга эга бўлиб, унинг негизида кенг маънода рақс санъати билан бирга бахшичилик услублари

<sup>38</sup> Ўзб. МЭ, 9-ж. –Б.482.

хам мужассамлашган. Шунингдек, халқ дostonлари мактаби ҳам ана шу санъатга дахлдордир. Ҳозирги кунда ҳам Хоразм воҳасида кўшма халфалар ижод қилмоқда.

**ЧАНОҚ** – 1. Кўсақнинг ҳар бир хонаси. 2. Бош косаси, кўз косаси ва умуман косачасимон суяклар. 3. Тегирмоннинг дўлидан дон тушиб турадиган тарновсимон қисми. 4. Чиганок.<sup>39</sup>

**ЛАГАН** – {ф. – тоғора, идиш, шамдон} 1. Куюк таомлар солиш учун мўлжалланган, тарелкадан катта ясси идиш. 2. Косадан катта, ичи чуқур сопол идиш; товоқ.<sup>40</sup>

**“ЧАНОҚ ЛАЗГИ”** шундай бошланади:

1. Раққоса кўлида лаган билан даврага чиқади.
2. Иккала оёғи билан кичиккина лаган ичига кириб, тик туради.
3. Даврадагиларга, “Менга фотиҳа беринглар” деган маънода мурожаат қилади ва юзига фотиҳа тортади.
4. “Лазги” рези бошланади.
5. Кўллар юқорига кўтарилган ҳолатда, танаси қотиб қолган одамга жон кириши илоҳий ҳолати ижро этилади.
6. Бармоқлар, панжалар, кўлларга жон битиб, лаган ичида турган раққоса ҳаракатлана бошлайди.
7. Кўллар сирғалиб аста настга тушади.
8. Бармоқлар мусиқага мос титрай бошлайди.
9. Оҳиста бир кўл тепага кўтарилади. Иккинчи кўл ҳам секин кўтарилиб, бир – бирига тенг кўринишда тепада бармоқлар титрай бошлайди.
10. Титрама ҳолатда биринчи кўл бармоқлари иккинчи кўл бармоқларидан ажрала бошлайди.
11. Кўллар бирин – кейин настга тушади.
12. Оёқлар лаган ичида қимирламай туради. Панжалар силкиниб ўйнай бошлайди.
13. “Лазги”га хос рақс ҳаракатлари узвийликда давом этади. Биронга ҳаракат иккинчи марта қайтарилмаслиги шарт.
14. Мусиқа ва кўл ҳаракатларига мос равишда юз, қош, ёнок, кўз ишоралари ҳам кўшилади.

<sup>39</sup> ЎТИЛ. 4-ж. –Б.456.

<sup>40</sup> ЎТИЛ. Т. 2006, 2-ж. –Б.483

15. Мусиқа тугагунча оёқ қимирламаслиги лекин томошабин наздида оёқ ҳам ҳаракатланаётгандай туюлиши керак.

16. Бу рақс баъзи ҳолларда иккита раққоса бўлиб ижро этилиш мумкин. Унда раққосалар ўзаро баҳслашади.

17. Бир ҳаракатни иккинчи марта такрорлаган раққоса энгилган ҳисобланади.

### **“ГАРМОН ЛАЗГИСИ”НИНГ ЛИБОСЛАРИ ВА ТАҚИЧОҚЛАРИ:**

**Аёллар:** елак, адрас, мисвак, узун кўйлак, материал кўлда бўздан тўкилган. Ранглари ҳар хил, ёшлари ёрқин рангли сарик ёки кизил, ёшлари катталари тўқроқ рангдаги либос кияди. Камалакнинг етти ранги Хоразм рақс либосларида акс этади. Бошида қазма тақя, орқасида рўмол. Лозимга жийка кадалган.Бошида уч патак тақя, ёшлари манокли тақя кияди. “Авесто” давридан мерос сулгун, укки қушнинг пагидан, “кўз тегмасин”, дея қорабағир қушнинг пагидан жиға тақипади. Паглар юрак тарафга тикилган.

## “ХОРАЗМ ЛАЗГИСИ”



Тарихи. 20 – аср ўрталарига келиб қадим Хоразм маданияти, адабиёти ва санъати янада гуллаб яшнаб, радио, телевидение каби оммавий ахборот воситалари ёрдамида оммавийлашиб бораверди.

Қадимда афсонавий “Лазги” куйини илоҳиёт билан боғлаб, рамзий маънода “Инсоннинг яралиш куйи” деб атаганлари учун ҳам унга сўз боғланмаган. Бола бахши, Ҳожихон Болтаев, Шерозий каби Хоразм санъатининг етук намоёндалари лазгини асосан рубоб, тор, гармон, дуторларда чалганлар. Буюк санъаткор беназир устоз Комилжон Отаниёзовнинг санъат оламига кириб келиши ўзига хос алоҳида воқеа бўлди. Устоз 1960 йилда “Лазги” рақслар туркумини янги йўналиш, яъни “Яллали Лазги” билан бойитди. Атоқли шоир Комил Хоразмийнинг газали асосида Комилжон Отаниёзов яратган “Яллали Лазги” Хоразм рақс мактабининг бутунлай янги босқичга, юксак поғонага чиқишига сабаб бўлди. Кўшиқнинг “Сўйла, манга эй санам, кимни севар ёрисан,

Эй қоракўз гал бари, эй қаро кўз буй - буй”

нақорати бир кунда бутун мамлакатни чулғаб олди. Комилжон ҳофиз араб ва форс тилларини мукаммал билар, газаллардаги сўзларнинг маъносини кўшиқчилар билан бир қаторда раққосаларга ҳам ўргатар, сўзларни ҳам илмий ҳам бадий жиҳатдан шарҳлаб берар эди. Авваллари эркак ашулчиларнинг кўшиқларига раққосалар ўйинга тушмаган. Хоразм санъати тарихида илк маротаба Комилжон Отаниёзовнинг дил тортар ва жўлқин кўшиқларига аёллар

рақсга туша бошлашди. Шу тариқа Хоразм санъати тарихида Комилжон Отаниёзов асос солган яллали рақс йўналиши пайдо бўлди. 20 асрнинг бошигача Хоразмда оммавий рақс бўлмаган. Ўзбекистон халқ артисти, машҳур хофиз Комилжон Отаниёзовнинг “Яллали Лазгиси” сахнавий “Лазги”нинг тамал тошини қўйди. Унгача ҳар бир раққос ёки раққоса ўз маҳоратидан келиб чиқиб ўйнаган. Тамарахоним, Гаъраҳонимларнинг санъати ривожланишида Хоразм рақс мактабининг ҳиссаси катта.

“Ялла” {ф- (ялали, яллали) – бекорчилик; хурсандчилик, айшу ишраг чоғидаги ох уриш} 1. рақс билан ижро этиладиган энгил ва шўх кўшиқ, ашула.<sup>41</sup>

Ялла – кенг тарқалган ўзбек халқ ашулаларидан. Одагда яллани 3–4 ашулачи ижро этади.<sup>42</sup> Бу яллали рақсни ўтган аср 60 – 70 йилларида атоқли раққосалар Саодат симоб, Роза Сафоева, Ровияхоним Отажнова, Гулчехра Мирзаева, Гулчехра Исмоиловалар қиёмига етказиб ижро этганлар. Бу рақс турининг бошқа “Лазги” лардан фарқи унда айтилаётган сўзга монанд рақс ҳаракатлари яратилади. Ҳар бир раққоса унга янги безак ва жилолар қўшади. Анъанавий усули муסיқага мос оҳангда иккала панжани бирлаштириб, қарс уришдир. Бугунги кунда у миллий чолғу созлари билан бир қаторда симфоник ва камер оркестрларда, эстрада ансамблларида ҳам завқ билан ижро этилмоқда.



1997 йил май ойида Франциянинг Париж шаҳрида қадимий ва ҳамisha навқирон Хиванинг 2500 йиллик юбилеи нишонланди. Шу юбилей муносабати билан Ўзбекистон халқ артисти, Хоразм рақс мактабининг атоқли

<sup>41</sup> ЎТИЛ. 5–жилд. Б.-106.

<sup>42</sup> Акбаров И. Муסיқа лугати. Т.: “Ўқитувчи”, 1997. –Б. 361.

намоюндаси, юксак салоҳиятли раққоса ва балетмейстер Гавҳархоним Матёкубова “Лазги афсонаси” композициясини яратди. Унда мавжуд 9 та “Лазги” бир – бирига уланиб, ўзбек рақс санъатининг тадрижий ривожланиш босқичларини очиб берди.



**Афсона** – { ф.-ҳикоя, нақл; уйдирма } 1. Фольклор жанри: авлоддан – авлодга, оғиздан – оғизга ўтиб келган уйдирма, тўқимадан иборат, баъзан диний мазмундаги ҳикоя, ривоят ва ш.к.<sup>43</sup>

“Лазги афсонаси” композицияси шундай сахналаштирилган эди:

1. Муқаддас қаср ўртасида олов ёниб турибди.
2. Қизлар олов атрофида юзларига нафис парда тортилган қўлларида ёқилган шам, қотиб туришибди.
3. “Лазги” рези бошланади.

4. Саҳнанинг ўнг томонида ровий кўринади ва ўз ҳикоясини бошлайди. Ҳамда инсоннинг яралиши самовий қуй билан жоннинг танага кириши, дастлаб бармоқлар, панжалар кейин билаклар ва елкаларга, охирида бошга жон битиши ҳақида ҳикоя қилади. Ҳикоянинг давомида саккиз “Лазги” ва унинг тўққизинчи хили буюк ҳофиз Комилжон Отаниёзов яратган “Яллали лазги” ҳақида гапириб, “Комилжон хофизнинг кашфиётдан кейин бу қуй мангуликка юз тугибди, муҳаббатнинг, гўзалликнинг боқий кўшигига айланибди,” дея ҳикоясини тугатади.

<sup>43</sup> ЎТИЛ. 1-ж, 118 бет

5. Бу сўзлар лазги куйнинг рез қисми чалинаётганда айтилади.
6. Шу вақтда ўртадаги олов ичидан жон қиёфасида раққоса мусиқага монанд холда чиқа бошлайди.
7. Қўллар бўлак – бўлакларга бўлинган, титраган, қалтираган холда рақс ҳаракатлари билан ўрнидан секин туради.
8. Юзидаги қайғули ифода билан “жон” аста даврани айлана бошлайди.
9. Шам тутиб турган қиз ёнига бориб тўхтади ва бармоғини хайкалдай қотиб турган қизга тегизади.
10. Сесканиб кетган қиз аста тебрана бошлайди.
11. Энди “Жон” югуриб бошқа қиз олдига боради. Унга ҳам қўлини тегизади. Шу ҳолатда саҳнадаги 20 та қиз олдига бир – бир бориб шу ҳаракатни такрорлайди.
12. Гўё қизларга жон киради ва раққосалар қўлларидаги шамни аста ерга қўядилар.
13. Юзларидаги пардаларни очиб турган жойида айланиб, бир қўли тепада қотиб қоладилар.
14. Лазги куйининг асосий қисми бошланади.
15. Соз бир нола қилади. Қўллар юқорида қотган.
16. Нола яна давом этади, фignonга айланади. Бармоқлар аста қимирлай бошлайди.
17. Сўнг панжалар, билаклар, елкалар олдинма кейин ҳаракатга келади.
18. Вужудига жон битиб, бош қимирлаб, гўё инсон тирилади.
19. “Жон” қиёфасида ўртада ўйнаётган қизнинг ёнида қайроқ ўйнаган йигит чиқади. Улар басма – бас ўйинга тушадилар.
20. Даврадагилар икки тарафга бўлиниб, ўз раққос ва раққосасини олқишлаб, куйга мос рақс ҳаракатлари билан уларга жўр бўладилар.
21. Энди раққосалар бир оёқни олдинга, бир оёқни орқага ташлаб, хоразмча оёқ услуби билан ўртадаги йигит ва қиз атрофида айлана бошлайдилар.

22. Рақс хотимасида ҳамма қўлдаста қарсини уриб, кутилмаганда раққос ўртадаги оловни, қизлар шамни қўлларига олган ҳолда рақсни яқунлайдилар.

“Лазги афсонаси” рақс - композициясининг мазмун моҳияти “Авесто” билан боғлиқ мазкур ривоятни ёдга солади. “Хоразм воҳасидаги “Қўй қирилганқалъа”нинг марказий майдонида Амударё ва ҳосилдорлик маъбудаси Анахитага олти ярим метр баландликда ҳайкал ўрнатилган экан.”

#### “ХОРАЗМ ЛАЗГИСИ”НИНГ ЛИБОСЛАРИ ВА ТАҚИНЧОҚЛАРИ:

**АЁЛЛАР** замонавий япон бахмал, бархит, веллор, зардан тўқилган ранглари сарик ёки қизил ҳарир кўйлақлар, дўн ёки елакнинг ранги тўқ, чиройли жигарранг ёки тўқ кўк.

Тақинчоқлари: шавкала, бошига патли тақя, қулогига узун зирак,қўлига занг тақади. Дуэт ёки алоҳида рақс сифатида йигитлар билан ҳам ижро этилади.

**ЭРҚАКЛАР** ёқаси, энги ва этагига бир хил рангдаги жияк тикилган оқ ёки оч ҳаворанг, мошранг кўйлақ, қора шалвор, оёғига қора этик, бошига силтма чўғирма кийган.

#### “ЛАЗГИ” ТУРКУМИГА ОИД ЛИБОСЛАР, БЕЗАКЛАР ВА ТАҚИНЧОҚЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАВСИФИ ҲАМДА ИЗОҲИ

##### РАҚҚОСЛАР КИЙИМЛАРИ:

**АДИК** – асосан туя терисидан тикилган пойабзал. Маҳаллий халқ тилида “оқ адик”, “чўқай” ҳам дейилади. Учи юқорига қайрилиб турган, силлиқ ва текис. **ЎТИЛ** - Этик – Болдирни бекитиб турадиган узун қўнжли, пошналли пойабзал. Амиркон этик. Аздарма этик. Қирза этик. Хром этик.<sup>44</sup>

**БЕЛБОҒ** – Хоразм рақсларида раққослар асосан **турма** ва **мадали** белбоғ боғлаганлар. **ЎТИЛ** - I Белга боғланадиган, **тўртбурчак рўмол шаклидаги гулли ёки гулсиз, четлари тикилган мато парчаси; қийиқ; қийиқча.**<sup>45</sup>

**ДўН** – Халқ тилида “**Хива дўни**” ҳам дейилади. Хоразмга мансуб олача магосидан, жудаям енгил пахта солинган, кавиғи майда ва зич бўлганлиги учун товланиб, текис ва қаттиқ туради. **ЎТИЛ**: - Тўн. I Олди очиқ, **пахтали ёки пахтасиз узун устки миллий кийим; чопон. Қимхоб тўн, Зарварақ тўн. Олача тўн. Банорас тўн. 3 Либос.**<sup>46</sup>

**ПАПУШ** – шевада. Ёзги, енгил пойабзал.

**САНДАЛ** – ёзги оёқ кийим. **ЎТИЛ** -Кавушинг бир тури. Пошнасиз ёзги енгил оёқ кийими; сандалет, шитак.<sup>47</sup>

**ЧУВАК** – ( ЧОРИҚ) - топқа ёғочдан тайёрланган, калишга ўхшаган ёзги пойабзал. **ЎТИЛ** - Қаттиқ хом теридан тикилган, асосан оддий халқ орасида расм бўлган оёқ кийими.<sup>48</sup>

**ЧЎҒИРМА** – (Чўрма) Хоразм ва Қорақалпоғистонда расм бўлган қатта мўйна қалпоқ. Эркак раққослар уч хил кўринишдаги чўғирма кийганлар. Биринчиси, **тик чўғирма** - қоракўлдан тайёрланган, уни қадимда фақат амалдорлар кийган. Иккинчиси **шерози чўғирма** –одатда энди туғилган кўзичоқнинг

<sup>44</sup>ЎТИЛ 5- ж. -Б.61.

<sup>45</sup>ЎТИЛ 1- ж., -Б.220.

<sup>46</sup>ЎТИЛ 5 – ж. -Б.238.

<sup>47</sup>ЎТИЛ 3 – ж. -Б.439.

<sup>48</sup>ЎТИЛ 4 – ж. -Б.510.

терисидан ихчам кўринишда тикилган. Уччинчиси *силтма чўғирма* бўлиб, у қўйнинг узун жунидан, думалоқ кўринишда, ўлчами анчагина катта тикилган. Хоразм мактаби эркалар рақсини чўғирмасиз тасаввур қилиб бўлмайди.

**ЯКТЕЙ** – ( ятак эки тик ёқа кўйлак ҳам дейилади) асосан оқ ранг эки майда, билинар-билинимас чизиқли одми матодан, тиззагача узунликда бўлиб, энги, ёқаси ва четларига ҳар хил рангдаги ингичка жияк тикилган. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да ёзилишича, (кейинги ўринларда ЎТИЛ)- *Бир қават, астарсиз кийим. Узун, кўкрак олди очиқ, эркалар кўйлаги*.<sup>49</sup>

### РАҚҚОСАЛАРНИНГ ЛИБОСЛАРИ:

**БОКИ РҶМОЛ** – Хоразм рақс мактабида рўмолнинг бир тури. *ЎТИЛ - Юзга тutilган мато: сочиқ; рўмол(ча) I Аёллар бошига ўрайдиган, одатда, тўртбурчак шаклдаги мато. Дока рўмол. Шоҳи рўмол.*<sup>50</sup>

**ГУЛЛИ МАССИ** – Маҳаллий халқ тилидаги атама. *ЎТИЛ – Махси қўй эки эчки терисидан тайёрланадиган, узун кўнжли, пошнасиз, таг чарми юмшоқ, кабуш эки ковуш билан кийиладиган мллий оёқ кийими.*<sup>51</sup>

**ЕЛАК – (ДҶН)** – (елак - шева) Хоразм рақс мактабига мансуб энгил тун эки камзул.

**ИПАК РҶМОЛ** – Хоразм рақс мактабида рўмолнинг бир тури. *ЎТИЛ - I Пилла қурти чиқарган жуда ингичка, пишиқ, ялтироқ, товланиб турадиган мулоим тола ва ундан йиғирилган ип. 2 Шундай иплардан тўқилган мато, шойи ва ундан тикилган кийим эки рўмол. Ипак гилам. Ипак рўмол.*<sup>52</sup>

**МАТИР РҶМОЛ** – (матир – шева.) чарқат рўмолнинг кичиги.

**МИСАК** – (мунсақ) –Хоразм рақс мактабига мансуб энгсиз узун нимча эки камзул.

**ПҶТА РҶМОЛ** – жундан тўқилган рўмол.

<sup>49</sup> ЎТИЛ 5 –ж. , Б.-103.

<sup>50</sup> ЎТИЛ 3 – ж. –Б.406.

<sup>51</sup> ЎТИЛ 2 – ж. –Б.575.

<sup>52</sup> ЎТИЛ 2- ж. –Б. 223.

**РҶМОЛ** – *ЎТИЛ - Юзга тutilган мато: сочиқ; рўмол(ча) I Аёллар бошига ўрайдиган, одатда, тўртбурчак шаклдаги мато. Дока рўмол, Шоҳи рўмол.*<sup>53</sup>

**САЧОҚЛИ РҶМОЛ** – Хоразм рақс мактабида рўмолнинг бир тури. *ЎТИЛ -Сачоқ I Гажим, попуқ, шокила. Сачоқли I сачоқ тutilган (қадалган); гажимли.*<sup>54</sup>

**СИПОЙИ КАВУШ** – Хоразм аёлларининг пойабзали. *ЎТИЛ - Ковуш {ф. - Оёқ кийими, бошмоқ; Чармдан тикилган ва одатда махси билан кийиладиган оёқ кийими. Сипойи – ЎТИЛ Сипо - { ф. – қўшин, аскар} I камтар, камсуқум, оддий. 2 Оғир, вазмин, босиқ.*<sup>55</sup>

**СОЧОҚИ БЕҚАРОР** – Хоразм рақс мактабига мансуб рўмолнинг бир тури. Сочоғи узун, бир жойда турмаганлиги учун беқарор дейилган. *ЎТИЛ - Сачоқ I Гажим, попуқ, шокила. Сачоқли I сачоқ тutilган (қадалган); гажимли.*<sup>56</sup>

**ТАХЯ** – дўппи. Хоразмда унинг бир неча тури мавжуд: *ЎТИЛ -Авра – астарли, кўпинча қавима, пилта урилган, тепа, кизак ва жияқдан таркиб топадиган гулдор ёки гулсиз, тўғарак ёки тўртбурчак шаклдаги бош кийими. Бахмал дўппи. Гилам дўппи, Ҳожси дўппи. Чуст дўппи. Зар дўппи.*<sup>57</sup>

**ТҶР РҶМОЛ – Пақмоқ- ТҶР – ЎТИЛ - Умуман, ҳар қандай материалдан каттак кўзли ёки бежамдор қилиб тўқилган нарсa.<sup>58</sup>**

**ЧАРҚАТ РҶМОЛ** – (чарқат – шевада.) катта ипакдан тайёрланган, гулларига ва бичимига қараб фарқланади. **РҶМОЛ** – *ЎТИЛ - юзга тutilган мато: сочиқ; рўмол(ча) I Аёллар бошига ўрайдиган, одатда, тўртбурчак шаклдаги мато. Дока рўмол, Шоҳи рўмол.*<sup>59</sup>

<sup>53</sup> ЎТИЛ 3- ж. –Б. 406.

<sup>54</sup> ЎТИЛ 3 – ж. –Б.464.

<sup>55</sup> ЎТИЛ 3 – ж. –Б.518.

<sup>56</sup> ЎТИЛ 3 – ж. –Б.464.

<sup>57</sup> ЎТИЛ 1- ж. –Б.676.

<sup>58</sup> ЎТИЛ 4 - ж. –Б. 243.

<sup>59</sup> ЎТИЛ 3- ж. –Б.406.

## ТАҚИНЧОҚЛАР:

**БИЛАКУЗУК** – Хоразм рақс мактабига мансуб қўл тақинчоғи. *ЎТИЛ*- Ёқут, гавҳар, зумрад тошлар қадалган қимматбаҳо тақинчоқ.<sup>60</sup>

**БОШДУЗИЙ** – Хоразм рақс мактабига мансуб бош тақинчоғи. *ЎТИЛ*- БОШ I Тананинг буйиндан юқориги, олдинги (одамда, ҳайвонларда) қисми; калла.<sup>61</sup>

**БУТУН ТИРНОҚ** – Хоразм рақс мактабига мансуб чакка тақинчоғи. *ЎТИЛ* – бутун- I Синмаган, синдирилмаган; шикастланмаган; синиқ –мертик жойи йўқ. (I - ж 387– б )

**ТИРНОҚ** – I Бармоқлар учининг орқа томонидаги этга ёпишган, бармоқларни ҳимоя қилувчи, шохсимон моддадан иборат тузилма, қоплама.<sup>62</sup>

**ДУОДУЗИ** – Хоразм рақс мактабига мансуб кўкрак тақинчоғи. *ЎТИЛ* - *ДУО* {а.- илт.жоз. давъат} I дин. Худоба ёлвориб, унга илт.жоз қилиб, ўзи ёки бошқалар учун яхши, эзгу тилак тилаш.<sup>63</sup> **ДУЗИ** – *ЎТИЛ* -(дўппи) Авра – астарли, кўпинча қавима, тилта урилган, тена, кизак ва жияқдан таркиб топадиган гўлдор ёки гўлсиз, тўғарак ёки тўртбурчак шаклдаги бош кийими. Бахмал дўппи. Гилам дўппи, Ҳожид дўппи. Чуст дўппи. Зар дўппи.<sup>64</sup>

**ЖАМАЛАК** – Хоразм болалар рақс мактабига мансуб соч тақинчоғи. *ЎТИЛ* - I Қиз болаларнинг ҳали унча ўсмаган, ёйилиб кетмаслиги учун, пахта тилк қўшиб ўрилган сочлари.<sup>65</sup>

**ЖИҒА** – Хоразм рақс мактабига мансуб бош тақинчоғи. Хоразм чўл зонасида мавжуд укки пати, жиға, дўдари. Жиға – Хоразм чўл зонасида бўладиган қорабағир кушнинг патидан тайёрланган. Маликалар ишлатган. Укки - оппоқ кушнинг пати. Дўдари – сулгун кушнинг пати. *ЎТИЛ* - I этн. Бош кийимига

<sup>60</sup> *ЎТИЛ* 1- ж –Б.257.

<sup>61</sup> *ЎТИЛ* 1- ж. –Б.332.

<sup>62</sup> *ЎТИЛ* 4 –ж. –Б.113.

<sup>63</sup> *ЎТИЛ* 1- ж. –Б.665.

<sup>64</sup> *ЎТИЛ* 1 – ж. –Б.676.

<sup>65</sup> *ЎТИЛ* 2- ж. –Б.67.

тақилдиган, уқлар ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган зийнат буюми<sup>66</sup>

**ЗАНГ** - Хоразм рақс мактабига мансуб қўл тақинчоғи. Тошлар билан безатилган майда кўнғироқлар осилган.

**ЗУЛФИТИЛЛО** – Хоразм рақс мактабига мансуб, қалампирнусха бош тақинчоғи. *ЎТИЛ* - *Зулф* – {ф. Жингалак соч; гажак} I Аёлларнинг икки чаккасида, қулоқлари атрофида жингалак ҳолда осилиб тушган жамалаги.<sup>67</sup>

**ИСИРҒА** – Хоразм рақс мактабига мансуб кулоқ тақинчоғи. *ЎТИЛ* - I Қулоққа тақилдиган, олтин, кумуш каби металллардан ясаладиган зийнат буюми; зирак.<sup>68</sup>

**КАЛИТ БОҒИ** – Хоразм рақс мактабига мансуб кўкрак тақинчоғи. Хон саройидаги аёллар, яъни маликалар ва бегойимлар безак сифатида тақинган. *ЎТИЛ*-калит {ф. - очқич-} I Қулфни очиб ёки беркийтиш учун ишлатиладиган металл асбоб. Уйнинг калити, сандиқнинг калити.<sup>69</sup> **БОҒ** II I Боғлаш учун хизмат қиладиган нарса ва унинг боғланган жойи, туғуни; боғич.<sup>70</sup>

**ҚОШИННА** – Хоразм рақс мактабига оид пешона тақинчоғи. *ЎТИЛ* - Қош - қовоқ тепасидаги ёйсимон тукли қатлам. 3 узук, исирға каби буюмларга ўйиб солинган ёйсимон гўл – безак.<sup>71</sup>

**ЛАСКОКИЛ** – Хоразм рақс мактабига мансуб соч тақинчоғи. Яъни, улама сочнинг бир тури. *ЎТИЛ* {ф. – тозаланмаган наст навли инак} Читга нисбатан зич тўқилган, сирти силлиқ ил газлама; сатин.<sup>72</sup>

**МАНГЛАЙ ДУЗИ** - Хоразм рақс мактабига мансуб пешона тақинчоғи. Турли оч рангли тошлар билан безалган. Оқ ранг - поклик, мовий ранг – улуғворлик, қизил ранг – гўзаллик бахш этган.

<sup>66</sup> *ЎТИЛ* 2 – ж. –Б. 96.

<sup>67</sup> *ЎТИЛ* 2- ж. –Б.164.

<sup>68</sup> *ЎТИЛ* 2 – ж. –Б.230.

<sup>69</sup> *ЎТИЛ* 2– ж. –Б.298.

<sup>70</sup> *ЎТИЛ* 1- ж. –Б.350.

<sup>71</sup> *ЎТИЛ* 5 – ж. –Б.352.

<sup>72</sup> *ЎТИЛ* 2 – ж. –Б.488.

**МАНОТЛИ ТАХЯ** – халқнинг муомаласида бўлган катта катта арзон тангалар билан безатилган дўппи.

**ОСМА ЁКИ ҚАНОТ ОСМА** – Хоразм рақс мактабига мансуб тақинчоқ. **ЎТИЛ** - *Осиб кўйиладиган, осиб кўйиши учун мослаштириб ясаган; осиб кўйилган. Осма дўзи аёлларнинг тиллақошга ўхшаш бошга тақилладиган зийнат буюми.*<sup>73</sup>

**ПАРХАНА** – Хоразм рақс мактабига мансуб соч тақинчоғи. Яъни, майда ўрилган сочлар текис туриши учун энига тақилладиган маржон ва феруза кош ўрнатилган сочпопук.

**СОЧПОПУК** – Хоразм рақс мактабига мансуб соч тақинчоғи. **ЎТИЛ** *1* Аёлларнинг сочга тақадиган , қора ип, ипак ёки жундан эшилган, учлари попуқсимон безак буюми.<sup>74</sup>

**ТАНГА ДУЗИ** – Хоразм рақс мактабига мансуб дўппи. **ЎТИЛ** - *танга - 1 тар. Бухоро хонлигида 15 тийинга, Қўқон хонлигида 20 тийинга тенг бўлган кумуш пул. 2* Умуман, қозоқ пулдан бошқа, олтин, кумуш, мис қабилардан зарб этилган пул.<sup>75</sup>

**ТАХЯ ДУЗИ** – Хоразм рақс мактабига мансуб дўппи. **ЎТИЛ** - *Авра – астарли, кўпинча қавима, пилта урилган, тена, кизак ва жиякдан тарқиб топадиган гулдор ёки гулсиз, тўғарақ ёки тўртбурчак шаклдаги бош кийими. Бахмал дўппи. Гилам дўппи, Ҳожидўппи. Чуст дўппи. Зар дўппи.*<sup>76</sup>

**ТОЖ** – Хоразм рақс мактабига оид тақинчоқ. **ЎТИЛ** - *{А – тож, гулчамбар; жиға; гултож 1* Шоҳларнинг ҳужмронлик рамзи бўлган, қимматбаҳо тошлар қадалган зийнатли бош кийими.<sup>77</sup>

**ТЎҒНОҒИЧ** – Хоразм рақс мактабига мансуб бўлиб, шавқалани ушлаб туради. **ЎТИЛ** - *Тўғнаш, қадаш, маҳкамлаш* учун ишлатиладиган мослама (мас., бир учи тўғмоқ игна, ўткир учи уячасига тушиб маҳкамланадиган асбоб, сочга қадаладиган тўғиқич).<sup>78</sup>

<sup>73</sup> ЎТИЛ 3 – ж. –Б.146.

<sup>74</sup> ЎТИЛ 3 – ж. –Б.558.

<sup>75</sup> ЎТИЛ 3 – ж. –Б.660.

<sup>76</sup> ЎТИЛ 1 – ж. –Б.676.

<sup>77</sup> ЎТИЛ 4 – ж. –Б.132.

<sup>78</sup> ЎТИЛ 4 – ж. –Б.256.

**ТУМОР** - Хоразм рақс мактабига мансуб бош тақинчоғи. Тахяга тикилладиган тумор турли қимматбаҳо тошлардан ясалиб, тилла суви югуртирилган. **ЎТИЛ** - *1* {а. – *ўртоғлик хат; нома, ёзув* } Халқона, диний тасаввурга кўра, *гўё эгасини кўз тегишдан, бало, офат, инс – жинс ва ш.к. дан сақлайдиган, ичига дуо битилган қозоқ жойланган учбурчак нарса (одатда буйинга, кўлтиққа, сочга тақилади ёки кийимнинг ички қисмига тикиб кўйилади): Дуо тумор, кўз тумор.*<sup>79</sup>

**УЗУК** – Хоразм рақс мактабига мансуб кўл тақинчоғи. **ЎТИЛ** - *Безак учун бармоққа тақилладиган, турли металллардан ҳар хил шакл ва катталиқда ясаладиган халқасимон заргарлик буюми.*<sup>80</sup>

**УҚПАР** – уққининг пати.

**ШАВҚАЛА , ШОКИЛА** – Хоразм рақс мактабига мансуб кўкрак тақинчоғи. Шавқала – маҳаллий халқ тилидаги шовқинли сўзининг ўзгартирилган шакли бўлиб, раққосалар ҳаракатланганда ўзига хос жарангдор овоз чиқарадиган тақинчоқ ҳисобланади. Ибтидоий даврда, бу шовқин ёвуз руҳларни ҳайдайди, деган қараш ҳам бўлган. **ЎТИЛ** – *шокила - 1* *Дастурхон, сочиқ, дарпарда, рўмол каби буюмларнинг четига - ҳошиясига тикилладиган ёки шу газмолнинг узидан титиб чиқариб ясаладиган безак; гажим, попуқ.*<sup>81</sup>

**ЯРИМ ТИРНОҚ** – Хоразм рақс мактабига мансуб чакка тақинчоғи. **ЎТИЛ** - *ЯРИМ – 1* Бирор нарсанинг икки тенг қисмидан биттаси, иккидан бир бўлаги, иккидан бири.<sup>82</sup> **ТИРНОҚ – 1** Бармоқлар учининг орқа томонидаги этга ёпишган, бармоқларни ҳимоя қилувчи, шохсимон моддадан иборат тузилма, қоплама.<sup>83</sup>

<sup>79</sup> ЎТИЛ 4 – ж. –Б.188.

<sup>80</sup> ЎТИЛ 4 – ж. –Б.270.

<sup>81</sup> ЎТИЛ 4 – ж. –Б.592.

<sup>82</sup> ЎТИЛ 5 – ж. –Б.118.

<sup>83</sup> ЎТИЛ 4 – ж. –Б.113.

## МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ.....	3
“ЛАЗГИ”.....	8
“МАСХАРАБОЗ ЛАЗГИСИ”.....	12
“ҚАЙРОҚ ЛАЗГИСИ”.....	18
“ДУТОР ЛАЗГИСИ”.....	24
“СУРНАЙ ЛАЗГИСИ”.....	27
“САРОЙ ЛАЗГИСИ”.....	33
“ЧАНГАК ЛАЗГИСИ”.....	37
“ХИВА ЛАЗГИСИ”.....	41
МОМО – БОБО РАҚСИ.....	44
“ГАРМОН ЛАЗГИСИ”.....	47
“ХОРАЗМ ЛАЗГИСИ”.....	54
“ЛАЗГИ” ТУРКУМИГА ОИД ЛИБОСЛАР, БЕЗАКЛАР ВА ТАҚИНЧОКЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАВСИФИ ҲАМДА ИЗОҲИ.....	59

Босишга рухсат этилди: 12.03.2022 Офсет қоғоз.  
қоғоз бичими 64x84 1/16 Times гарниураси. Шартли босма  
табоғи 12. Нашр ҳисоб табағи 11,6. Адади 100

«ZAMON POLIGRAF» ОК босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Ташкент шаҳри. Юнусобод тумани,  
Бободехқон маҳалласи 45 уй.

Н.Намроева,  
G.Matyakubova,  
Sh.Tukhtasimov.

## K W A R E Z M “LAZGI”:

*History and description; Basic movements, costumes and  
small commentary of jewelry*

УДК:87:57  
КБК 17(Ў)

The republic of Uzbekistan higher and secondary special ministry of education Ministry of culture of the republic of Uzbekistan Uzbekistan state academy of choreography

**H.Hamroeva G.Matyakubova Sh. Tukhtasimov**

**KWAREZM "LAZGI":**

*History and description; Basic movements, costumes and small commentary dictionary of jewelry*

*Translator:*

**Gulshan Nasrullayeva,**

Doctor of Philosophy in Philology (PhD), Associate Professor of Tashkent branch of the University of Information Technologies

© H.Hamroeva, G.Matyakubova, Sh. Tukhtasimov 2022

## PREFACE

The President of the Republic of Uzbekistan said: "We have a great history worth envying. We have great ancestors worth envying. We have incomparable riches that are worth envying. And I believe that if we are lucky, we will have a great future, a great literature and art, which are worthy of envy"<sup>84</sup>, he said. At the heart of this idea are high humanism, love for the motherland, respect for our history, which can serve as an example for young people.

Kwarezm, the land of miracles, is our great history, our incomparable wealth. It is our great responsibility to study the roots of its ancient and modern culture and art. After all, the history of the sacred place where the "Avesto" was created, its magical culture has long been of interest to the world community. In this priceless monument, the doctrine of "good thoughts, good words, good deeds" was put forward. It says, "The wife halaj who had gathered for the funeral was zhikr with frenzy"<sup>85</sup>. The Greek philosopher Herodotus, known as the "Father of History" (between 490 BC and 480 BC - about 425 BC) in the book "History" he said that "massagets living on the banks of the Amudarya lit a fire at night, sang until the fire was extinguished, and danced in honor of the fire"<sup>86</sup>. Abu Rayhan Beruniy's work "Monuments of ancient peoples" also provides important information about the art and culture of Kwarezm. The scientific researches of many archeologists are devoted to the history of Kwarezm musical culture, ancient words and musical instruments. They have thoroughly studied the history, social system and culture of the primitive, ancient and medieval religions of this legendary land. The shaft in the soil wall. The image of a woman playing the chiftor of the 1st-3rd centuries is also a unique find of scientific expeditions. Goodness and beauty are also glorified in the dance 'Lazgi', which has its historical roots in the "Avesto". The **ganch** statues and terracotta sculptures depicting musical instruments and dancers found in the fortresses of ancient Kwarezm, such as Koykirtilgankala,

<sup>84</sup> Meeting of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoyev with creative intellectuals Uza, 2020, August 3.

<sup>2</sup> G.Matyakubova, Sh.Eshjonova Lazgi Urgench, 2017., 13-p.

<sup>86</sup> The same source, 18-p

Tuprokkala, Jonboskala, Kirkkizqala, indicate that the art of music is very ancient in the country.

In the epics of Hazrat Mir Alisher Navoiy "Sabai Sayyar" from the language of a stranger from the seventh climate:

Menki, tushmish buyon guzar manga,

Mulki Kwarezm erur diyor manga.

Sanatim anda soz chalmak ishi,

Bilmayin men kibi ishimni kishi.

Ilmi advori fanni musikiy,

Mendin ul ilm ahli tahkikiy.<sup>87</sup>

